



AGROTEKHNIKA

#03 (04) март
2018 йил

ISSN 2181-9173

ДУНҶОСИ

МИР АГРОТЕХНИКИ



30
Дронлар фермерга
қўмакчи

БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ

КАМАЗ

8 Ўзбекистон
“КамАЗ” лари

42

ТЕХНИКА

для транспортировки
урожа винограда

4 Ҳамкорлик
қирралари

В John Deere разработали БЕСПИЛОТНЫЙ ТРАКТОР 48

ТАҲРИР КЕНГАШИ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:

Абдуҳалил РАШИДОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ
бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ:

Рафиқ МАТЧАНОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси,
техника фанлари доктори, профессор

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ:

Азмиддин САДРИДДИНОВ Тошкент Давлат техника университети профессори,
техника фанлари доктори, академик

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ техника фанлари доктори, профессор

Баҳодир МИРЗАЕВ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислик институти проректори, техника
фанлари доктори

Ашраф МУҲАМАДИЕВ техника фанлари доктори, профессор

Анвар РИЗАЕВ Ўзбекистон фанлар академияси Механика ва иншоотлар
сейсмик мустақамлиги институти Бош илмий ходими,
техника фанлари доктори, профессор

Бахтиёр ШАЙМАРДОНОВ Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини
давлат синовидан ўтказиш маркази Бош директори,
техника фанлари доктори, профессор

Азамат ЮЛДАШЕВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси ўринбосари,
“Ўзагротехмаш” АЖ Бош директори

Анвар САТТАРОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси ўринбосари,
“Ўзагролизинг” АЖ Бош директори

Исроил УСМОНОВ “Қишлоқ хўжалик машинасозлиги конструкторлик-технологик
маркази” МЧЖ директори ўринбосари

Шерзод МАҲМУДОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ
ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи

Пахриддин ХОЖИЕВ “Ўзагролизинг” АЖ Бош ҳуқуқшуноси

Анвар ПИРМАТОВ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ акциядорлар билан
корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси

Инновацион лойиҳалар..... 3

“Робот-деҳқон”

Вазиятга назар.....



Олим ЭРГАШЕВ
Технология – тараққиёт
сари йўл очади

Матбуот анжумани.....


Техникадан унумли
фойдаланиш –
самарадорлик омили

Тақдирот.....



Байрам АЙТМУРОДОВ
Ўзбекистон “КамАЗ”лари

Деҳқончилик маданияти.....



Адилбек АХМЕТОВ
Чизель-культиваторлар
конструкциясини
такомиллаштириш тенденцияси

Мўъжиза.....

Азизбек АБДУВАЛИЕВ
Деҳқонларни бой қилган қўнғиз


Бозор тамойиллари.....

Саид ЭРГАШЕВ
Атроф-муҳит муаммоси
ва иқтисодий тежамли лойиҳалар

Таққикот.....

Феруза НҲМОҲОВА
АКТ: унинг нотариат
соҳадаги аҳамияти

Инқилоб.....



О. ҚУВОНДИҚОВ, Э. АРЗИҚУЛОВ,
Ж. РҲЗИМУРОДОВ,
НАНОТЕХНОЛОГИЯ нима?

2

Эътироф..... 22

Ҳамкорлик қирралари

Хориж тажрибаси.....



Голландия:
юқори технологияли келажак
Кўрғазма.....



agroworld..... 26

UZBEKISTAN
инновацион технологиялар
намойиши

Назм..... 27

Анвар МИРЗАЗОДА

Компаниялар тарихи.....



Болалар ўйинчоғидан жаҳон
брендига

Технологиялар..... 30

Дронлар фермерга қўмакчи

Биласизми?..... 31

Нодир ҚОБИЛЖОНОВ
Дарё шарафига номланган дастур

Шукуҳ.....



Меҳмонни чорлайди сумалақларинг

ҲАДИСлардан қайдлар..... 34

Ибратаи ҳикоятлар..... 35

Нигоҳ.....



Шаҳзода АБЖАББОРОВА
Тракторлар пойгаси

Назмий муолажалар..... 38


Хажвия..... 54

Нодир МАҲМУДОВ Тузлама

Қулгудром..... 55

Ҳар соҳадан бир шингил

Исследования.....




Адилбек АХМЕТОВ,
Шерзодбек АХМЕДОВ,
Азизбек АБДУРАЗЗАКОВ
Выполнение предварительной
компоновки садоводческого
трактора

Развитие.....



Рустам ГАЛИЕВ
По новейшим технологиям

Транспорт фермера.....



Адилбек АХМЕТОВ,
Шерзодбек АХМЕДОВ,
Равшан БОТИРОВ
Анализ конструкций технических
средств, используемых
для транспортировки винограда

История.....

Рафик МАТЧАНОВ
«Чирчиксельмаш» –
кузница кадров

Новости брендов.....



Управление качеством.....

Бахтиёр ШАЙМАРДАНОВ,
Рахмат МИРСАИДОВ,
Алписбай ТОЛИБАЕВ,
Султанали МАМАДЖАНОВ
Оценка уровня качества
сельскохозяйственной техники

Калейдоскоп..... 52

Юмор..... 53

Инновацион лойиҳалар



ти билан ташкил этилган мазкур инновацион ярмаркада олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

“Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир очилишида мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш бевосита бугунги кун инновацион ғоялари, технология ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли тадбирлар билан боғлиқ экани қайд этилди.

Шу маънода бу ярмарка иқтидорли ва креатив мушоҳада қиладиган ёш олимлар ва тала-

«РОБОТ-ДЕХҚОН»

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги “Yoshlar sport city” мажмусида юзга яқин ёшлар ўзларининг инновацион ғоялари, технологиялар ва лойиҳаларини намойиш этиб, ярмарка иштирокчилари эътиборига сазовор бўлди.

Айниқса, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг 2-курс талабалари А.Саидов, Т.Турсунпўлатов ва Т.Бобораҳимовнинг “Робот деҳқон” деб номланган лойиҳаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

– Талабаларимиз тақдим этган лойиҳа иссиқхоналар учун мўлжалланган бўлиб, унда экиш, парваришlash, намликни аниқлаш ва суғориш ишлари автоматик тарзда амалга оширилади, – деди университетнинг мехатроника ва робототехника кафедраси мудири М.Абдуллаев. – 2016 йил ташкил этилган кафедрамиз фаолияти ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини тарғиб қилишга қаратилган. Бугунги тадбирга 6 та лойиҳа-ни ҳавола қилдик.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносаба-



ба-ёшларни кашф этиш, уларга ҳар томонлама қўмак беришда катта аҳамиятга эга. Тадбир корхоналар, илмий ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликда ҳам фойдалидир.

Тадбир доирасида “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖга қарашли янги “Yoshlar sport city” мажмуасининг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

– Бугун маҳалламизда қўшалок байрам бўлди, – деди Сирғали туманидаги Меҳриғиё маҳалласида яшовчи Ф.Тўлаганова. – Бир томонда ёш тадқиқотчиларимиз янги ишланмаларини тақдим этаётган бўлса, иккинчи томонда маҳалламиз болалари янги спорт мажмуасининг ишга туширилганидан хурсанд. Ҳаммамиз шу тадбир иштирокчисимиз. Замонавий ва жуда чиройли қилиб барпо этилган бу иншоотда энди маҳалла аҳли, фарзандларимиз теннис, баскетбол, футбол каби спорт турлари билан машғул бўлади.

Жозибали ва дилтортар куй-қўшиқларга уланган тадбирлар иштирокчилар, ёш тадқиқотчилар ва Меҳриғиё маҳалласи аҳлида катта таассурот қолдирди.

■ ЎЗА






ТЕХНОЛОГИЯ – ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ

Миллий иқтисодиётнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашда асосан учта факторга таянилади. Яъни, капитал маблағнинг етарлилиги, технологияларни такомиллаштириш ва мутахассислар ҳамда ишчи кадрлар малакасини оширишдир. Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда кўплаб чора-тадбирлар, жумладан, малакали кадрлар масаласига бирламчи эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникалари заводи” АЖ ҳудудида яна бир замонавий бино қад ростлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Офтобда ял-ял этиб товланиб турган мазкур бинода эндиликда МЧЖ шаклидаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлик конструкторлик-технологик Маркази” фаолият юритади. Бу ерда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, технологик лойиҳалаштириш, илғор технологияларни амалиётга жорий этиш, шунингдек, янги машина туркумлари яратилади ва синовдан ўтказилади. Бинога туташиб кетган ишлаб чиқариш цехида ҳозирда янги дастгоҳларни ўр-

натиш ва пешма-пеш уларда тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ушбу замонавий дастгоҳлар Жанубий Кореядан келтирилмоқда. Зеро, Марказнинг асосий таъсисчиларидан бири – Корея савдо, саноат ва энергетика вазирлиги қошидаги Технологияларни ривожлантириш бўйича Корея институти ҳисобланади.

Цехга кириб борганимизда корейлик мутахассис маҳаллий ёшларга дастгоҳларнинг ишлаш функциялари хусусида тушунтириш олиб бораётганининг устидан чиқдик. Ўзини Чой Жи Сунг деб таништирган мутахассис билан суҳбатимиз соҳа доирасида





кечди. У Ўзбекистонда анча йиллардан буён фаолият кўрсатаётгани, хусусан, Асакадаги автомобиль заводида ҳам ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилишида, уларни бошқаришда маҳаллий ёшларга билим ва тажрибаларини имкон қадар ўргатганини мароқ билан гапириб берди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги техникаларининг янги авлодини яратишда асқотадиган энг сўнгги андозалардаги 19 турдаги ускуна ва жиҳозлар Кореядан келтирилганини, ишлаш механизмларини ёшларга ўргатаётганини ҳамда уларни бирин-кетин маҳаллий мутахассисларга ишониб топшираётганини ҳам таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, термопластавтомат, металлни букиш, лента шаклида кесиш, электр усулида кесиш ва пайвандлаш каби дастгоҳлар янги қишлоқ хўжалиги техникаларини яратишида муҳим аҳамият касб этади.

Жанубий Кореядаги Хану Global компанияси мутахассиси Чой Жи Сунгдан маҳаллий ёшларнинг янги дастгоҳларни бошқаришида уларнинг малака ва укувлари хусусида сўраганимда у шундай жавоб қилди.

— Аввало, ўрнатилган ва келтирилаётган ускуна ва дастгоҳлар энг замонавий технологиялар асосида яратилган.

Гарчи шундай экан, уни бошқариш ҳам кишидан катта билим ва тажриба талаб этади. Ўзтиборлиси шундаки, маҳаллий ёшларда уларни бошқаришга бўлган иштиёқ кучли. Шу боис, улар дастгоҳларни бошқаришни тезда уддалашмоқда. Албатта, дастгоҳлар конструкторлар томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида компьютерлаштирилган ҳолатда ишлайди. Мисол учун, металлларни аралаштириш дастгоҳ операторлари Азимбек Сералиев ва Ўктам Ишматовларнинг иқтидори юқори. Улар қисқа муддатда ушбу дастгоҳни мустақил бошқариш даражасига эришдилар. Бу эса муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

■ **Олим ЭРГАШЕВ,**
ўз мухбиримиз.





ТЕХНИКАДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон миллий матбуот марказида “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ томонидан “Ишлаб чиқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда соҳа корхоналарини стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш борасида белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида” матбуот анжумани ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли Фармонида асосан фаолият олиб бораётган жамият олдида замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини бошқариш бўйича ягона комплекснинг самарали фаолиятини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш каби вазифалар қўйилган.

Ўз навбатида, тармоққа тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш ва мавжуд корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш масалалари ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумот учун айтиш мумкинки, ҳозирда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ таркибидаги корхоналарда 80 дан ортиқ турдаги техника ва агрегатлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бунда асосий эътибор тежамкорлик, қишлоқ хўжалигидаги ишларни қисқа муддатда ва сифатли бажариш, ортиқча харажатларни олдини олишга қаратилмоқда. Шу боис техникаларимизга талабгорлар нафақат республикамизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам кўпчиликти ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, тизимда меҳнат қилаётган 7,5 мингдан ортиқ ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш, замонавий ускуналардан фойдаланишни ўргатиш, уларни малакали мутахассис сифатида шакллантириш диққат марказида турибди.

2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигини техникаларнинг асосий турлари билан таъминлаш ва боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, сабзавотчи-

лик ҳамда чорвачилик йўналишларида янги техникалар турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқа-



риш чора-тадбирлари дастури асосида эса бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Беларусь, Жанубий Корея, Россия, Франция каби давлатларнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда 5 та қўшма ва қўшма ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, ҳозирда 30 дан ортиқ турдаги янги техникаларни ишлаб чиқариш тараддуди қўрилмоқда. Бундан ташқари, АҚШнинг етакчи компаниялари билан 5 турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини чуқур маҳаллийлаштириш бўйича келишувлар имзоланди. Ушбу давр мобайнида экспорт ҳажми ўсишига эришилди. Хусусан, Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Озарбойжон, Қирғизистон, Ҳиндистон каби давлатларга қишлоқ хўжалиги техникалари экспорт қилинди.

Тизимда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва экспортбоп, жаҳон талабларига жавоб берадиган дунёда етакчилик қилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан сифат ва нарх жиҳатидан рақобат қила оладиган техникаларни ишлаб чиқариш мақсадида тизим томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Миллий техникаларни яратиш, тажрибадан ўтказиш ва малакали мутахассисларни янги замонавий инновацион технологиялар асосида тайёрлаш ва қишлоқ хўжалиги конъюктурасига қараб ўзимизни иқлим ва ер шароитига мос техникаларни ишлаб чиқариш мақсадида Жанубий Кореянинг савдо, саноат ва энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда конструктор-муҳандислик бюроси ташкил этилди.

Шу билан бирга, маҳсулот таннархини арзонлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 5,7 фоиз кўрсаткичга эришилди ва шу ҳисобдан 21,3 миллиард сўмлик иқтисод қилинди.

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ таркибига “Ўзагротехмаш”, “Ўзагролизинг” ва “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятлари киритилган. Шу ўринда “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти фаолияти юзасидан қисқача маълумот: Жамият тизимида айни пайтда 13 та ҳудудий “Агросервис МТП” МЧЖ, 174 та “Агросаноат МТП” МЧЖ туман филиаллари, 8 та ишлаб чиқариш,



сервис хизмати кўрсатиш ва таъминот корхоналари ҳамда шартнома асосида ишлайдиган бошқа корхоналар мавжуд.

Шунингдек, жорий йил бошига жамият тизимидаги корхоналар ҳисобида 7658 дона хар турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари мавжуд. Жумладан, юқори унумли дон ўриш комбайнлари – 1896 дона, ҳайдов тракторлари – 1132 дона, чопиқ тракторлари – 754 дона, пахта териш машиналари – 1495 дона.

Матбуот анжуманида “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти мутасаддилари томонидан галдаги вазифалар, инвестицион лойиҳалар ва келгусидаги режалар ҳақида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, журналистлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарилди.

■ Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон

ПОЙАХТИМИЗДАГИ “ЎЗЭКСПОМАРКАЗ”ДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИҒИЛГАН
“КАМАЗ” ЮК АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

**“Ўзавтосаноат”
ҳамда Россиянинг
“КамАЗ”
компаниялари
ҳамкорлигида
ташкил этилган
тадбирда Россия
Федерациясининг
Ўзбекистондаги
элчихонаси,
турли вазирлик
ва идоралар,
мутасадди
ташкилотлар
вакиллари
иштирок этди.**

“Ўзавтосаноат” бошқаруви раиси У.Салимов, “КамАЗ” компанияси Бош директори С.Когогин, “UzAutoTrailer” МЧЖ Бош директори А.Ҳожибоев ва бошқалар сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичда жадал ривожланаётгани сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлар мустаҳкамланишида, ҳар икки давлат манфаат-

ларига хизмат қиладиган лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистонда “КамАЗ” юк автомобилларини йиғиш бўйича келишувга эришилгани ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири бўлди.



KAMAZ

“КамАЗ”лари

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги “UzAutoTrailer” МЧЖнинг ишлаб чиқариш майдонида мазкур автомобилларни ишлаб чиқариш бошланди. Айтилган “UzAutoTrailer” заводида 10 дан 36 тоннагача юк кўтариш қувватига эга 11 турдаги юк автомобиллари йиғилади. Мазкур автомобилларга ўрнатилган двигателлар 240 дан 401 гача от кучига эга бўлиб, улар ЕВРО 3, ЕВРО 4, ЕВРО 5 экологик меъёрларга жавоб беради.

Жорий йил биринчи чорагида заводда 100 дона юк автомоби-

лининг илк партияси чиқарилди. Заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1500 дона, кейинчалик ушбу кўрсаткични 3000 донага етказиш режалаштирилмоқда. Заводда ишлаб чиқарилган юк автомобилларини нафақат ички бозорга чиқариш, балки Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларига экспорт қилиш кўзда тутилган.

– Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, яратилаётган қулай инвестициявий муҳит, ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларга берилаётган катта имтиёзлар кўплаб хорижий ишбилармон-

ларни, инвесторларни қизиқтираётгани шубҳасиз, – дейди



С.Когогин. – Биз ҳамкорлигимиз янада кенгайишига, биргаликда ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар олиб чиқишимизга ишонамиз.

Тақдимот доирасида Ўзбекистонда йиғилган “КамАЗ” юк автомобилларининг турли моделлари намоиш этилди. Шунингдек, халқаро “Дакар” ралли-марафонининг 15 карра ғолиби, “КамАЗ-Мастер” жамоасининг афсонавий спорт юк машинаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.


■ **Байрам АЙТМУРОДОВ,**
ЎЗА мухбири



ЧИЗЕЛЬ-КУЛЬТИВАТОРЛАР КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Журналимизнинг аввалги сонидида чоп этилган мақолада [1] ўтмишга экскурсия қилиб, культиваторларнинг келиб чиқиш тарихига бир назар ташлаган эдик. Бугун эътиборингизга ҳавола қилаётган мавзу эса аввалги мақоланинг узвий давоми бўлиб, у мамлакатимизда ишлатилаётган чизель-культиваторлар конструкцияларининг охириги бир аср давомидаги такомиллашувига қаратилган.

Чизель-культиватор конструкцияси унинг вазифасидан, яъни белгиланган муддатларда берилган чуқурликда культивацияни ўтказиши, дала юза қисмида майда кесакли тупроқ қатлами ҳосил қилиши ва тупроқнинг бир текис чуқурликда юмшатилишига эришиши, юмшатирилган устки қатлами текис бўлиб, тупроқнинг пастки нам қатламини дала бетига чиқармаслиги, ҳамма бегона ўтларни тагидан қирқишини таъминлаши лозимлигидан келиб чиқиб такомиллаштирилган.




1-расм. УКП-Г чизель-культиватори: 1 – панжа; 2 – грядиль; 3 – рама; 4 – автомат ричаги; 5 – тирсақли ўқ ричаги; 6 – винт гайкаси; 7 – кронштейн; 8 – штурвал; 9 – сница; 10 – сирға; 11 – ғилдирак; 12 – тирсақли ўқ

Мамлакатимизда энергетик воситага улаб ишлатила бошлаган даврдан бошлаб саноат усулида ишлаб чиқарилган чизель-культиваторларнинг конструкциялари бир неча маротаба такомиллаштирилган. Агарда ўтган асрнинг ўрталарида ишлаб чиқарилган дастлабки УКП ва такомиллаштирилган УКП-Г (1-расм) тиркалма чизель-культиваторларда иш органи устунлари рама билан бириктирилиб, яхлит бир бутун конструкцияни ташкил қилган бўлса, 50-йилларнинг охириларида унинг ўрнига келган ЧК-3,0 (2-расм) осма чизель-культиватори иш ор-

ганларни ечиш-қотириш имконияти бўлган устунлар билан жиҳозланган эди [2].

Транспорт ҳолатидан иш ҳолатига махсус винтли механизм ёрдамида ўтказиладиган УКП ва УКП-Г тиркалма чизель-культиваторларидан фарқли ўлароқ ЧК-3,0 осма чизель-культиваторида транспорт ҳолатидан иш ҳолатига ўтказиш тракторнинг осма қурилмаси ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, унда иш органлари уч қаторга бир биридан 3 см га фарқ қиладиган ҳар хил чуқурликка қатламлаб ишлов берадиган қилиб жойлаштирилган. Ишлов бериш чуқурлиги эса таянч ғилдирагига жойлаштирилган винтсимон механизм ёрдамида ростланади.



2-расм. ЧК-3,0 чизель-культиватори: а – устки кўриниши; б – ён кўриниши: 1 – рама; 2 – таянч ғилдирак; 3 – осма қурилмаси; 4 – ишлов бериш чуқурлигини ростловчи қурилма; 5, 6, 7 – биринчи, иккинчи ва учинчи қатордаги иш органлари

ЧК-3,0 чизель-культиваторида иш органлари уч қаторга жойлаштирилганлиги эвазига ҳар бир қаторда жойлашган иш органлари оралиғи 400 мм бўлишига қарамасдан ёндош панжа излари орасидаги масофа бори йўғи 133 мм ташкил қилади. Бундан ташқари, қаторлардаги панжалар битта горизонтал текисликда эмас балки, поғонали қилиб жойлаштирилган, яъни иккинчи қатордаги иш органлари биринчи қатордагига нисбатан, учинчи қатордагилари эса иккинчи қатордаги иш органларига нисбатан 30 мм фарқи билан паст жойлаштирилган. Шу сабабли ушбу чизель-культиватор билан тупроққа ишлов бериш “поғонали” ишлов бериш, деб юритилади.


Кейинчалик чизель-культиваторларнинг конструкцияси тупроқни юмшатиш билан бир вақтда унинг юза қисмини текислаб, майин қатлам ҳосил қилган

ҳолда унга минерал ўғит солишни ҳам таъминлаш йўналишида такомиллаштирилиб, 60-йилларнинг охирида ЧКУ-4 чизель-культиваторлари ишлаб чиқарила бошланди [2, 3]. Кейинчалик 70-80 йилларда у бир неча маротаба такомиллаштирилди.

ЧКУ-4 тиркалма чизель-культиватор бўлиб, унинг иш органлари ЧК-3 чизель-культиваториники сингари уч қаторга поғонали жойлаштирилган. Зарурат туғилганда барча иш органлар бир хил чуқурликка ҳам ўрнатилиши мумкин.


Ушбу чизель-культиватор кўп йиллар давомида икки хил: юмшаткич ЧКУ-4А (3-расм, а) ва юмшаткич-озиқлантиргич ЧКУ-4Б (3-расм, б) вариантларида ишлаб чиқарилди.

ЧКУ-4 тиркалма чизель-культиватори конструкциясининг олдинги чизель-культиваторлар конструкцияларидан фарқи – у ўғит сепиш аппаратлари билан жиҳозланган бўлиб, унда пневматик ғилдирак ўрнатилган. Раманинг орқа томонига иккита шарнир тортқи ёрдамида тупроқ зичлагич-текислагич қотирилган ва тишли боронанинг тўртта звеносини улаш, уларни транспорт ҳолатига ўтказиш учун хизмат қиладиган рамка шарнир ўрнатилган. Ушбу чизель-культиваторининг охириги конструкцияларида рамкалар штангалар билан алмаштирилган.



3-расм. ЧКУ-4А (а) ва ЧКУ-4Б (б) чизель-культиваторлари: 1 – шоти; 2 – таянч ғилдираклар; 3 – ўғит сепувчи аппарат; 4 – тишли борона учун осма қурилмаси; 5 – рамани кўтариб-туширувчи қурилма; 6 – пассив иш органи; 7 – рама

Чизель-культиватор конструкцияларининг кейинги такомиллаштирилишлари уларнинг қамраш кенглигини ошириш ва бикр устунли иш органлари ўрнига эластик устунли иш органларидан фойдаланишга қаратилган (4-расм).



4-расм. ЧК-4-6 чизель-культиватори: 1, 5 – ёнбош секциялар; 2 – рамани кўтариб тушириш қурилмаси; 3 – рама тортқи билан; 4 – таянч ғилдираги; 6 – эластик устунли пассив иш органлари; 7 – тишли бороналар учун осма қурилма


Эластик устунли иш органлари тупроққа ишлов беришда энергия сарфини камайтиради, тупроқ палахсаларининг майдаланиш даражасини эса оширади. Аммо улар тупроққа таъсир кўрсатиш жараёни ва тупроқнинг деформацияланиш зонаси ўлчамлари билан бикр устунли иш органларига нисбатан фарқ қилади. Шу сабабли 90-йилларнинг бошларида ишлаб чиқарила бошланган эластик устунли иш органлари билан жиҳозланган ЧК-4-6 чизель-культиваторида иш органларнинг рамада жойлашиш шакли бикр устунли иш органлари билан жиҳозланган ЧКУ-4 чизель-культиваторига нисбатан бирмунча фарқ қилади.

ЧК-4-6 чизель-культиваторининг конструкцияси уч секцияли қилиб ишланган бўлиб, икки ёнбош секциялар марказий секцияга шарнир бириктирилган. Транспорт ҳолатида ёнбош секциялар гидроцилиндрлар ёрдамида марказий секцияга нисбатан юқорига буриб кўтариб қўйилади. Ёнбош секцияларни монтаж ёки демонтаж қилиш орқали ЧК-4-6 чизель-культиваторини икки хил 4 ва 6 м вариантларида ишлатиш мумкин [4].

ЧК-4-6 чизель-культиватори рамасида уч қатор эластик устунли иш органлари, яъни биринчи икки қаторида юмшаткич панжали, учинчи қаторида эса ўқ-ёйсимон панжали иш органлари жойлашган.

Қамраш кенглигидан келиб чиққан ҳолда ЧК-4-6 чизель-культиватори тўрт ёки олти дона тишли борона билан жиҳозланади.

Чизеллаш жараёни билан бир вақтда минерал ўғит бериш учун чизель-культиваторнинг (5-расм)




5-расм. Озиқлантиргич билан жиҳозланган ЧК-4-6 чизель-культиватори: 1 – шоти сирғаси билан; 2 – рамани кўтариб тушириш қурилмаси; 3 – озиқлантиргич аппарати; 4 – сошник билан жиҳозланган эластик устунли пассив иш органлари; 5 – таянч ғилдираги; 6 – рама

охирги қатордаги ўқ-ёйсимон панжали эластик устунли иш органлари сошниклар билан жиҳозланиб, у ўғит ўтказгичлар билан рамага ўрнатилган ўғит сепиш аппаратлари билан уланган [4]. Ўғит сепиш аппаратлари чизель-культиваторнинг таянч ғилдирагидан ҳаракатга келтирилади.

90-йилларнинг ўрталарида ЧК-4-6 чизель-культиваторининг габарит ўлчамларини кичрайтириш, тортиш қаршилигини камайтириш, иш сифатини яхшилаш мақсадида тишли тирма ўрнига тишли-трубкали ғалтакмолани ишлатиш (6-расм) бўйича тадқиқотлар олиб борилди [5].

ЧК-4-6 чизель-культиватори ўрта ва йирик хўжаликларда ишлатиш учун мўлжалланган бўлиб, 2-3-классдаги тракторлар билан агрегатланади. Кичик хўжаликлар, шу жумладан, деҳқон хўжаликлари учун ЧК-4-6 чизель-культиватори базасида 90-йилларнинг ўрталарида НО-3.0 тишли-планкали ғалтакмолали чизель-культиватори ишлаб чиқилди [6].



6-расм. Тишли-трубкали ғалтакмола билан жиҳозланган ЧК-4-6 чизель-культиватори:

- 1 – рамани кўтариб тушириш қурилмаси;
- 2 – тишли-трубкали ғалтакмола;
- 3 – эластик устунли пасив иш органлари;
- 4 – таянч ғилдираги;
- 5 – рама шоти билан

НО-3.0 тишли-планкали ғалтакмолали чизель-культиватори (7-расм) 0,6-0,9 классдаги тракторлар билан агрегатланади. У рамадан, осма қурилмасидан, эластик устунли иш органларидан, рамага грядиль орқали бириктирилган тишли-планкали ғалтакмоладан ташкил топган.



7-расм. НО-3.0 ғалтакмолали чизель-культиватори иш жараёнида:

- 1 – тишли-планкали ғалтакмола; 2 – грядиль;
- 3 – тағқўйма; 4 – осма қурилмаси; 5 – рама;
- 6 – эластик устунли пасив иш органлари

НО-3.0 ғалтакмолали чизель-культиватори таянч ғилдираги йўқлиги билан олдинги чизель-культиваторлардан фарқ қилади. Унинг иш органларининг ишлов бериш чуқурлиги тишли-планкали ғалтакмоланинг иш органи панжасининг учига нисбатан жойлашиш баландлигини ўзгартириш орқали ростланади. Бунинг учун тишли-планкали ғалтакмола устунининг грядильга нисбатан жойлашиш баландлиги ва раманинг горизонталлиги билан ростланади.

НО-3.0 ғалтакмолали чизель-культиваторининг асосий камчилиги бу унинг пасив иш органи чиқшининг катталигида бўлиб, иш жараёнидаги тебранишлар натижасида панжанинг оғиши ишлов бериш чуқурлигининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади.

90-йилларнинг охири 2000-йилларнинг бошида республикаимиз илмий тадқиқот ва конструкторлик муассасалари томонидан энергия ва ресурстежамкор культиваторларни яратиш борасида кенг қамровли илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилди. Бунда асосий эътибор деблокировкаланган ёки ярим деблокировкаланган шароитларда ишлайдиган иш органлари билан жиҳозланган культиваторлар конструкцияларини ишлаб чиқишга қаратилди.

Масалан, 90-йилларнинг иккинчи қисмида тадқиқ қилинган ЧКО-4Н чизель-культиваторида (8-расм) қаторлардаги иш органлари поғоналаб жойлаштирилганига қарамасдан иккинчи қаторда жойлаштирилган иш органлари асимметрик панжали бўлгани боис ярим деблокировка қилинган шароитда ишлайди [4].




8-расм. ЧКО-4Н осма чизель-культиватори:

- 1 – ён деворли рама; 2 – тортқи;
- 3 – осма қурилмаси; 4 – пасив иш органи ишлов бериш чуқурлигини ростловчи қурилма;
- 5 – тишли-планкали ғалтакмола;
- 6 – пасив иш органлари

ЧКО-4Н чизель-культиватори пайвандлаб ясалган рамадан, осма қурилмасидан, ён деворлардан, тортқилардан, юмшаткич ва ўқ-ёйсимон панжали иш органларидан, иш органи ишлов бериш чуқурлигини ростловчи қурилмадан, тишли-планкали ғалтакмоладан ташкил топган. У чизель-культиватори 2-4 классдаги гидрофицирланган осма тизимли тракторлар билан агрегатланади.

2010 йилнинг бошида ҚХМЭИ олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида яратилган энергия ва ресурстежамкор чизель-культиваторда (9-расм) биринчи қатордаги иш органлари блокировкаланган муҳитда, иккинчи қатордагилари эса

олдинги қатордаги иш органлари билан бир хил чуқурликда тупроққа ботирилганида деблокировка қилинган муҳитда ишлайди [7]. Аммо қаторлардаги иш органлари поғоналаб жойлаштирилганида эса барча иш органлар блокировка қилинган муҳитда ишлайди.




9-расм. ҚХМЭИ нинг энергия ва ресурстежамкор чизель-культиватори: 1 – рама; 2 – осма қурилмаси; 3 – иш органи ишлов бериш чуқурлигини ростловчи қурилма; 4, 5 – юмшаткич ва ўқ-ёйсимон панжали иш органлари; 6 – таянч ғилдираги

Ушбу чизель-культиватор пайвандлаб ясалган рамадан, осма қурилмасидан, таянч ғилдиракларидан, юмшаткич ва ўқ-ёйсимон панжали иш органларидан ва иш органи ишлов бериш чуқурлигини ростловчи қурилмадан ташкил топган. Раманинг биринчи қаторига юмшаткич панжали иш органлари, иккинчи қаторига эса олдинги қатордаги иш органларига нисбатан ўқ-ёйсимон панжали иш органлари шахмат тарзида жойлаштирилган.

Синов натижалари энергия ва ресурстежамкор чизель-культиватори қисман деблокировка шароитида ишлаганда $ChK-3$ чизель-культиваторига нисбатан тортиш қаршилиги 7,4-8,9 кН га кам эканлигини кўрсатди.

“Чирчик қишлоқ хўжалик техникалари заводи” АЖ 2010 йилларнинг бошларида тишли-планкали ғалтакмола билан жиҳозланган $ChYu-3,6$ чизель-юмшаткичларни (10-расм) ишлаб чиқара бошлади.



10-расм. $ChYu-3,6$ чизель-юмшаткичи: 1 – рама; 2 – ишлов бериш чуқурлигини ростловчи қурилма; 3 – осма қурилмаси; 4 – тишли-планкали ғалтакмола; 5 – текислагич; 6 – таянч ғилдираги; 7 – пассив иш органлари

“Чирчик қишлоқ хўжалик техникалари заводи” АЖ ишлаб чиқараётган $ChYu-3,6$ чизель-юмшаткичи пайвандлаб ясалган рамадан, осма қурилмадан, таянч ғилдиракларидан, пассив иш органларидан, ишлов бериш чуқурлигини ростловчи қурил-

мадан, текислагичдан ташкил топган бўлиб, у ҳам тишли-планкали ғалтакмола билан жиҳозланган. Чизель-культиваторни икки хил вариантда ишлатиш мумкин: текислагич ва тишли-планкали ғалтакмола билан биргаликда ёки уларсиз [8].

“Чирчик қишлоқ хўжалик техникалари заводи” АЖ ишлаб чиқараётган яна битта русумдаги КЗЕ-15 чизель-культиватори эса (11-расм) олдинги чизель-культиватордан иш органи панжаси ва устунининг энсизлиги билан фарқ қилади [8]. Қамраш кенглиги 3 м, ишлов бериш чуқурлиги 18 см гача бўлишига қарамасдан ушбу чизель-культиваторни оғирлик массаси 810 кг ни ташкил қилади.

Холдинг компанияси корхоналари билан чет эл илғор фирмалари ҳамкорликда ташкил этилган бир қатор қўшма корхоналар ҳам чизель-культиваторни ишлаб чиқармоқда. Масалан “Lemken” фирмаси билан “Чирчик қишлоқ хўжалик техникалари заводи” АЖ ҳамкорликда ташкил этилган “Lemken Chirchiq” МЧЖ ҚҚда “KARAT-9/300” тупроққа интенсив ишлов берувчи культиватори (12-расм) ишлаб чиқарилмоқда [8].



11-расм. 1. КЗЕ-15 чизель-культиватори: 1 – рама; 2 – юмшатувчи панжали иш органлари

“KARAT-9/300” тупроққа интенсив ишлов берувчи культиваторининг бошқалардан фарқи унда пассив иш органларидан кейин дискимон иш органи ва кетма-кет жойлашган иккита труба ва планкали ғалтакмоаларнинг борлигидадир.

“KARAT-9/300” тупроққа интенсив ишлов берувчи культиватор тўртбурчакли профилдан пайвандлаб тайёрланган рамадан, осма қурилмасидан, пассив ва дискимон иш органларидан, труба ва планкали ғалтакмоалардан, диски иш органи билан ғалтакмола рамаларини ушлаб турувчи ҳамда ишлов бериш чуқурлигини ростловчи бўйлама тортқилардан ташкил топган.


“KARAT 9/300” тупроққа интенсив ишлов берувчи культиватори 3-4 классдаги гидрофицирланган осма тизимли тракторлар билан агрегатланади.



12-расм. “KARAT-9/300” тупроққа интенсив ишлов берувчи культиватор: 1 – осма қурилмаси; 2 – рама; 3 – пассив иш органлари; 4 – дискимон иш органи; 5 – труба-симон ва 6 – планкали ғалтакмоалар

Мамлакатимизда “Daiichi agro machine” чет эл корхонаси томонидан ҳам М.08.01, М.08.02 ва М.08.03 сингари моделлардаги чизель-культиватори ишлаб чиқарилмоқда [8]. Ушбу чизель-культиваторлар (13-расм) эластик устунли пассив иш органлари ва тишли-планкали ғалтакмола билан жиҳозланган бўлиб, асосан, дон экинлари экиладиган лалми ерларни экишга тайёрлашда ишлатилади.

М.08.01 экишолди чизель-культиватори учта секциядан ташкил топган бўлиб, транспорт ҳолатида ёнбош секциялар транспорт ҳолатига келтирилиб, махсус мослама билан фиксациялаб қўйилади.



13-расм. М.08.01 экишолди чизель-культиватори:
1 – тишли-планкали ғалтакмола; 2 – марказий ва 5, 7 – ёнбош секциялар; 3 – гидроцилиндр;
4 – эластик устунли пассив иш органлари;
6 – осма қурилмаси

Шундай қилиб, чизель-культиваторлар ўтказилган тадқиқотлар шарҳи асосида қўйидаги хулосага келиш мумкин.

Мамлакатимизда ёппасига ишлов беришда фойдаланилаётган холдинг компанияси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган чизель-культиваторларда (ЧКУ-4, ЧК-3, ЧК-4-6 ва ChYu-3,6) асосан юмшаткич панжа, яссиқирқар ўқ-ёйсимон панжа билан жиҳозланган пассив иш органлари ишлатилмоқда. Буларга қўшимча равишда зарур ҳолатларда, масалан, экишдан олдин суғориш учун эгат

олишда ва экишга тайёрланган далаларга минерал ўғит беришда эгат очар ва сошниклар, чуқур юмшатиш тупроқнинг юза қисмига майин ишлов бериб текислаш учун чизель-культиваторлар таркибида тирма ёки ғалтакмола қўлланилмоқда.

Бугунги кунда чизель-культиваторлар конструкциясини такомиллаштириш бўйича ишлар асосан, уларнинг энергия ва ресурстежамкор унификацияланган, универсал иш органларини яратишга қаратилган бўлиб, мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик муассасаларда чизель-культиваторнинг янги авлодини яратиш борасида илмий-конструктив изланишлар олиб борилмоқда.

■ **Адилбек АХМЕТОВ,**

техника фанлари доктори, профессор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахметов А.А. Тупроққа ишлов берувчи машиналар тарихига назар // Агротехника дунёси, 2018. – № 2. – 8-11 б.
2. Справочник по механизации хлопководства. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – 238 с.
3. Протокол №25-94 (520) Государственных периодических испытаний чизеля-культиватора ЧКУ-4А-1. – Янгиюль: УзМИС, 1994. – 28 с.
4. Ахметов А.А. Тенденция совершенствования конструкции хлопководческих предпосевных почвообрабатывающих машин-орудий. – Ташкент: ИЛМИЙ ТЕХНИКА АХБОРОТИ-PRESS NASHIRIYOTI, 2017. – 236 с.
5. Насыров И.З. Выбор типа и обоснование параметров каточной бороны для работы в агрегате с чизель-культиватором в зоне хлопководства: Автореф. дис. ...канд. техн. наук. – Янгиюль, 1993. – 18 с.
6. Ахметов А.А. Почвоуплотняющие рабочие органы комбинированных почвообрабатывающих машин. – Ташкент: Фан, 2013. – 120 с.
7. Тўхтақўзиев А., Имомқулов Қ.Б. Тупроққни кам энергия сарфлаб деформациялаш ва парчалашнинг илмий-техник асослари. – Тошкент: KOMRON PRESS, 2013. – 120 б.
8. Сельскохозяйственная техника. Автомобили /Каталог/ Составители: М.Т. Байилов, С.М. Мамаджанов, М.Н. Олмасов, А.Х. Раджабов, Б.П. Артыкбаев, С.Н. Воинов, А.Е. Толыбаев, Б.Ш. Гаибуллаев. - Т.: ИМЭСХ, «MUXAMMAD POLIGRAF», 2016. – 480 с.



Дехқонларни бой қилган қўнғиз

ОДДИЙ БИР ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТ КИШИЛАР ФАРОВОНЛИГИГА САБАБЧИ БЎЛИШИ МУМКИН

Ўзбекистонда пахта йиғим-терими билан боғлиқ баҳс-мунозараларни кузатиб, бундан анча аввалги чет эл сафари билан боғлиқ хотиралар ёдга келди. 2003 йилда “Очиқ дунё” дастури доирасида АҚШда бўлиш насиб этган эди. Уч-тўрт кун пойтахт Вашингтонда туриб, сўнг Америка ҳаёти билан яқинроқ танишиш мақсадида турли штатларга тарқалиб кетдик. Менга Алабама штати “насиб” этди. Бу штатнинг иккинчи номи “cotton state”, яъни “пахта штати” экан.

Дастлаб қанчалик ҳафсалам пир бўлганини тасаввур этишингиз мумкин: делегациямиз аъзоларидан кимдир Лос-Анжелесга, яна кимдир Сиэтлга йўл олганди. Бунга кўникиб, истиқомат қилиш чекимга тушган штатдаги бошқа жойларда учрамайдиган жиҳатларни қидирдим.

Мен яшаган Хантсвилл шаҳрида NASA коинот парвозларини бошқариш марказларидан бири жойлашган бўлиб, АҚШ астронавтларини 1969 йилда Ойга элтган ракета шу ерда тайёрланган экан. Мамлакатдаги кўҳна ўқув юртларидан бири — 1831 йилда фаолиятини бошлаган Алабама университетида АҚШ конституцияси ҳақида маърузалар тингладим.

Штатнинг Энтерпрайз шаҳрида эса дунёда қишлоқ хўжалиги

зараркунандасига аталган ягона ёдгорлик — узунтумшук қўнғизга ҳайкал ўрнатилган экан.

Узоқ вақт давомида штатда асосий экин тури бўлган пахта далаларига 1915 йили шу зараркунанда тушиб, уни етиштиратган фермерларни хонавайрон



қилади. Ҳолат қайта-қайта такрорланавергач, улар пахта етиштиришни ташлаб, чорвачиликка зўр беради. Ем-хашак, картошка, маккажўхори, ерёнғоқ етиштириш билан шуғуллана бошлайди. Бу пахта экишга нисбатан анча фойдали бўлиб чиқади ва шу пайтгача бошқа экин ҳақида ўйламаган фермерлар бойиб кетади.

Улар 1919 йилда қўнғиз шарафига машҳур Озодлик ҳайкалинининг кичрайтирилган нусхасига ўхшаш ёдгорлик ўрнатади. Фарқи — ҳайкалнинг бошида тожи йўқ, қўлида эса машъала ўрнига қўнғизни тутиб олган. Ҳайкалга “Фаровонлигимизга йўл кўрсатган пахта зараркунандасига миннатдорлик рамзи сифатида” деган сўзлар битилган.

Штатда пахта шу билан унутилгани йўқ — Алабама ҳозир ҳам пахта етиштириш бўйича дунёда етакчилардан бўлган АҚШнинг “ишонган тоғи”. Фақат фермерлар ва ҳукумат юз берган ҳолатлардан керакли хулоса чиқарди.

Алабамадаги кўплаб йирик фермерларнинг шахсий пахта заводлари бор, бунга қурби етмаганлари ҳам ўзаро уюшиб, биргаликда шундай заводлар куради. Плантацияларда пахтани асосан машиналар теради, “ҳашар”га эса ёлланма ишчилар жалб этилади.

АҚШ ҳукумати пахта етиштирувчиларга миллиардлаб доллар субсидиялар беради. Шу тариқа, бир ўқ билан икки қуён урилади: фермерлар қўллаб-қувватланишидан ташқари пахтанинг жаҳон нархларига таъсир ўтказиш имкони туғилади.

■ **Азизбек АБДУВАЛИЕВ**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, яқинда қабул қилинган “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори билан ер шароити ва сув таъминоти оғир, паст рентабелли, охирги уч йилда пахта ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган 99 371 гектар ер майдонларида сабзавот, полиз, картошка, мойли ва дуккакли экинлар экилиши белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари мазкур ер майдонларига пахта ва ғалла экинларини экмаслик бўйича қатъий огоҳлантирилди.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини аванс маблағлари билан таъминлаш учун қайта ишлаш, тайёрлов ва экспортёр корхоналарга, шунингдек, сабзавот, полиз, картошка, мойли ва дуккакли экинларни етиштириш учун фермер хўжаликларига ажратиладиган тижорат кредитлари фоиз ставкасининг беш фоизи Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қоплаб берилади.

Иқтисодиёт вазирлигига мева-сабзавот, узум, полиз ва дуккакли дон маҳсулотларининг турлари бўйича етиштириш таннархидан келиб чиқиб, маҳсулот етиштирувчиларнинг рентабеллигини инобатга олган ҳолда ушбу маҳсулотлар хариди учун ўртача тавсиявий нархларни ишлаб чиқиш топширилиб, мазкур маҳсулотларнинг нархи харид қилиш вақтидаги бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкинлиги белгиланди.



АТРОФ-МУҲИТ МУАММОСИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАМЛИ ЛОЙИҲАЛАР

XX асрнинг охирлари ва XXI асрга келиб инсониятнинг иқтисодий тараққиёт мақсадларида энергиядан фойдаланишнинг ўта юқори даражада ошиши натижасида ёқилғининг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станцияларидан, тобора сони ортиб бораётган ички ёнув двигателларидан чиқаётган зарарли газлар туфайли атроф-муҳитга жуда катта салбий таъсир етказилмоқда. Негаки, глобал ҳароратнинг кўтарилиши тўғридан-тўғри атмосферага катта миқдорда органик ёнилғида ишлайдиган иссиқлик электростанцияларидан ҳамда транспорт воситаларидан чиқаётган газ ташланмалари билан боғлиқ. Хўш, бу муаммони бартараф этиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижалар-чи?

Маълумот ўрнида таъкидлаш кераки, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг доимий ва амалий ишлардаги ҳамкори “Gazamir-Pro” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз тараққиёти ва атроф-муҳит муҳофазасига хизмат қиладиган муҳим йирик лойиҳани ҳаётга татбиқ этган эдилар. Ушбу лойиҳани рўёбга чиқариш натижасида дизель билан ишловчи автомашиналар ва қишлоқ хўжалик техникаларини газодизель мосламасига ўтказиш туфайли атроф-муҳитга зарарли ташланмалар чиқаришни тўрт баробаргача камайтириш, дизель ёнилғисини 70 фоиз тежаб қолишга кенг йўл очилди. Ушбу замонавий технологияни мамлакатимизда кенг қўллаш учун Тошкентда унинг

мустаҳкам базаси шакллантирилиб, Самарқанд автомобилъ заводида ишлаб чиқарилаётган автобусларни, дизель билан ишловчи юк машиналарини ушбу технологияга ўтказиш йўлида дастлабки ва самарали қадамлар ташланди. Айти пайтда, пойтахтимизда ва вилоятларда дизель билан ишловчи ўнлаб автобуслар худди шу технология асосида жиҳозлантирилиб ҳам самарали, кам харажат сарфланиб, энг аввало, тобора мураккабланиб бораётган экологик ҳолатга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ишлаётир.

Бу борада “Ўзагротехмаш” АЖ корхоналари ҳам қишлоқ хўжалик техникаларига ички ёнув двигателларини етказиб берувчи Италиянинг дунёга машҳур “FIAT Power Tran” компанияси билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, хавфсизлик ва эксплуатация талабларига тўлиқ жавоб берадиган, газ-дизель ёнилғисида ишловчи двигателлар билан жиҳозланган, шунингдек газ балонлари рационал ва мустаҳкам ўрнатилган тракторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида тадқиқот ва синов ишлари олиб борилмоқда.

Дунё тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги техникалар двигателларини газ билан ишлаш механизмлари босқисма-босқич амалга оширилади. Биринчи босқичда техника ва уни бошқарувчи операторлар тўла мослашиши учун газлаштириш газ-дизель ёнилғисида, яъни ҳар иккала ёнилғида ишлаши талаб этилади. Бу жараён қишлоқ хўжалик техникасининг оғир дала шароитларида ишлаш даражаси, дизель ҳамда газ двигателлари орасидаги техник тафовутдан келиб чиқади. Яъни 30-40 фоиз дизель ёнилғиси ва 60-70 фоиз газ ёнилғисида техникадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ёнилғи сифатида метан газидан фойдаланилади. Газлаштириш жараёнлари лойиҳасини илмий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ва уни самарали амалга ошириш мақсадида кат-

та амалий тажрибага эга бўлган Италиянинг “Italian Technology Service S.R.L.” инжиниринг компанияси билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган. Мазкур компанияда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган CNH ва CLAAS компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган тракторларни газлаштиришда муайян тажриба тўпланган. Италиялик ҳамкорлар билан ҳозирда 2 тадан TD5.110 ва T6070, шунингдек битта ARION 630с русумли тракторларни газлаштириб, дала тажриба-синов ишларига тайёргарлик кўрилмоқда.

Мутахассислар томонидан олиб борилган таҳлиллардан кўринадики, техника двигатели тўлиқ газ ёнилғиси билан ишлаши учун ҳозирда фойдаланилаётган техникалар двигателларига конструктив ўзгартиришлар киритиш талаб этилади. Таъкидлаш ўринлики, бу ўзгартиришлардан кейин техника двигатели дизель ёнилғисида ишлаш имкониятини йўқотади. Ушбу ҳолатни назардан қочирмаган ҳолда бошланғич босқичда икки турдаги ёнилғили системалардан фойдаланиш ҳар томонлама талабга жавоб беради, деган тўхтамга келинди.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг хусусиятлари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ортишини таъминлаш учун мобил (кўчма) газ қўйиш станциялари инфратузилмасининг йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалиги техникаларини газлаштиришда энг муҳим омиллардан бири ҳисоб-

ланади. Чунки техника ишлаб турган даласидан 15-20 км узоқликдаги ёнилғи қўйиш шохобчасига қатнайдиган бўлса, техниканинг иш самарадорлиги пасайиб кетади. Устига-устак тракторчилар меҳнатига ҳақ тўлашда бир қатор саволлар пайдо бўлади. Бу борада масаланинг энг мақбул ечими кўчма газ ёнилғиси қўйиш шохобчалари тизимини йўлга қўйишдир. Ҳозирда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, хусусан, “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан бу масала ечимини топишда бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Кореянинг ENK компанияси ҳам ушбу лойиҳага жалб этилди. Яқин ҳамкорларимиздан бири – Италиянинг BPS компанияси мутахассислари билан ҳам музокалалар олиб борилмоқда. Мазкур компания мутасаддиларига энг замонавий, барча ўлчов воситалари, GPS алоқа тизимлари билан жиҳозланган кўчма газ қўйиш шохобчаларини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифлар берилди.

Мухтасар айтганда, амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар аввало, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ёнилғига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга иқтисодий тежамкорликка эришиш, янада муҳими мамлакатимиз атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга хизмат қилади.

■ Саид ЭРГАШЕВ.





АКТ:

УНИНГ НОТАРИАТ СОҲАДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси нотариал соҳасидаги ўзгаришлар, бу борадаги ислохотлар ва қонунчилик нормалари баён этилган.

Аннотация: В данной статье описываются изменения в сфере нотариата Республики Узбекистан, реформы и законодательные нормы в этой области.

Annotation: Changes and developments in the notarial sphere as well as legislative normative documents in the Republic of Uzbekistan are addressed in the article.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби нотариат фаолиятининг ҳам зарур норматив-ҳуқуқий базаси ва тегишли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шакллантирилди. Натижада ушбу тизим тубдан такомиллашиб, соҳага оид қонунчилик янада мустаҳкамланмоқда. Ҳукуматимизнинг алоҳида эътибори туфайли нотариат институтининг замон талабидаражасида фаолият юритиши таъминланди. Аниқроғи, давлат нотариал идораларидаги шарт-шароитлар яхшиланди, барчаси замонавий мебель жиҳозлари ва бошқа воситалар билан жиҳозланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида нотариат тизимини ислох этиш юзасидан бир қанча вазифалар белгилаб берилган. Маълумки, бугун идоралараро электрон ҳамкорлик ривожланаётганини ҳисобга олиб, нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш, барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш, аҳоли ва тадбиркорларга интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бун-

дан кўзланган асосий мақсад – фуқаролик-ҳуқуқий ва ҳўжалик низоларининг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариал идоралар фаолиятини янада ривожлантириш, жисмоний ва юридик субъектларга тезкор ва сифатли ҳуқуқий хизмат ҳамда ёрдам кўрсатиш, нотариал идораларни малакали кадрлар билан тўлдириш, улар фаолиятига замонавий-ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан иборат.

Таъкидлаганимиздек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу масалалар муҳим вазифа қилиб белгиланди. Хусусан, ҳужжатда юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, жумладан, нотариуслар томонидан юридик хизмат кўрсатиш тартибини босқичма-босқич эркинлаштириш назарда тутилди.

Ўтган йилнинг 27 февралда давлат нотариал идоралари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Би-

тимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра нотариал ҳаракатларни амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан давлат хизматлари кўрсатишни назарда тутувчи “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилди. Шунингдек, “Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда Идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан алмашинадиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Жумладан, “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур янгиликларга биноан идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш Тошкент шаҳрида 2017 йилнинг 1 июлидан бошланди. Бундай амалиёт республикамизнинг бошқа ҳудудларида шу йилнинг июлидан бошлаб жорий этилади. Яъни кўчмас мулкларни олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини тасдиқлаш учун ариза берувчи давлат нотариал идорасига Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали электрон аризани бевосита тўлдириш йўли билан ёки электрон аризани тўлдириш учун кўчмас мулкнинг кадастр йиғма-жилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат билан нотариал идорага ўзи келиб мурожаат қилиши мумкин. Ариза берувчи давлат нотариал идорасига ўзи келиб мурожаат қилганда, электрон ариза унинг номидан нотариал идоранинг ходими томонидан тўлдирилади. Шундан сўнг солиқлар, коммунал хизматлар

(газ, совуқ сув, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) ва оқова сувларни чиқариш бўйича хизматлар) ва электр энергияси бўйича қарздорлик, кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ёки тизимда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали автоматик тарзда текширилади.

Агар солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги аниқланса, ариза берувчига қарздорлик бартараф этилганидан ёки тақиқ ва хатлаш олиб ташланганидан кейин би-

рилади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, нотариусга рақам берилган электрон ариза қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этилган тақдирда, ундаги маълумотларнинг актуаллиги нотариус томонидан тизим орқали автоматик тарзда текширилади.

Албатта, тезкорлик билан олиб борилаётган ушбу саъй-ҳаракатлар ўз навбатида фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишига, қонунда белгиланган талабларни ҳаётга тўғри татбиқ этиш эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади.



тимни нотариал тасдиқлаш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги, солиқлар, коммунал хизматлар ёки электр энергияси бўйича аниқланган қарздорликни нотариал идорада, шу жумладан, электрон тўлов тизимлари орқали тўлаши мумкинлиги тушунтирилади.

Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжуд бўлмаса, электрон аризага рақам берилади. Электрон аризага рақам Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олинган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида ариза берувчи нотариал идорага келиши мумкин. Агар кўрсатилган муддат ўтганидан кейин нотариал идорага мурожаат этилса, электрон ариза қайтадан тўлди-

Хулоса қилиб айтганда, Ҳаракатлар стратегиясининг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган” 2-йўналишининг асосий мақсади мамлакатда, биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишдир. Зеро, демократик давлат қуришнинг муҳим омилларидан бири – бу мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ таъминланишидир. Яъни, ислохотлар – ислохот учун эмас, балки фақат ва фақат инсон манфаатлари учун хизмат қилиши керак.

■ **Феруза НҲМОНОВА,**
Тошкент Давлат
юридик университети
магистранти.



НАНОТЕХНОЛОГИЯ нима?

Кейинги ўн йилликда жаҳон жамоатчилиги лугат бойлигига “нано” сўзи кириб келди. Хўш, “нано” нима? “Нано” миллиарддан бир қисмдир.

Нанотехнология тушунчаси учун тугал ва аниқ ифода йўқ, аммо мавжуд микротехнология асосида бу ўлчамларни нанометрдаги технология деб юритиш мумкин. Шунинг учун микродан нанога ўтиш бу моддани бошқаришдан атомни бошқаришга ўтиш демакдир. Соҳанинг ривожидега эса асосан учта йўналиш тушунилади:

– ўлчами атом ва молекулар ўлчамлари билан солиштирарли электрон схемаларни тайёрлаш;

– наномашиналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш;


– алоҳида атом ва молекулаларни бошқариш ва улардан алоҳида микрообъектларни йиғиш.

Бу йўналишдаги изланишлар анча вақтдан буён олиб борилмоқда. 1981 йилда тоннелли

микроскоп яратилиб, алоҳида атомларни кўриш мумкин бўлди. Шундан буён технология сезиларли такомиллаштирилди. Бугун бу ютуқларни кундалик ҳаётда ишлатамиз: лазерли дискларни ишлаб чиқариш, жумладан, DVD дисклардан нанотехнологик усулсиз фойдаланиш мумкин эмас.

Соҳа тараққиётидаги асосий босқичларни бир эслаб кўрайлик.

1959 йил



Нобел мукофоти соҳиби **Ричард Фейнман** келажакда алоҳида атомларни бошқариб, одам ҳар қандай моддани синтез қилиши мумкинлигини башорат қилди.

1981 йил

Биниг ва Рорер томонидан моддалардан атомлар даражасида таъсир қила оладиган сканерловчи тоннел микроскопнинг яратилиши.




1986 йил



Атом қувватли микроскоп яратилиб, у тоннел микроскопидан фарқли равишда ҳар қандай, масалан, ток ўтказмайдиган материал билан ҳам таъсирлаша олади.


1990 йил

Алоҳида атомларни бошқаришга эришилди.




1994 йил

Саноатда нанотехнологик усулларнинг қўлланила бошланиши.



Истиқбол қандай?




Бугун нанотехнологиянинг қуйидаги устувор ривожланиш йўналишлари мавжуд:

1. Тиббиёт. Одамнинг танасида пайдо бўладиган барча касалликларнинг олдини олувчи ёки даволовчи молекуляр нанороботларни яратиш. Амалга ошиш муддати – XXI асрнинг биринчи ярми.

2. Геронтология. Инсонларнинг жисмоний боқийлигига, одам танасидаги ҳужайралар қирилишининг олдини олувчи, одам организми тўқималарининг ишлашини яхшилаш ва қайта қуриш учун молекуляр роботларни киритишга эришиш. Амалга ошиш муддати – XXI асрнинг тўртинчи чораги.

3. Саноат. Истеъмол молларини ишлаб чиқаришда анъанавий усуллардан фойдаланишдан бевосита атом ва молекулалардан йиғишга ўтиш. Амалга ошиш муддати – XXI асрнинг боши.



4. Қишлоқ хўжалиги. Озиқ-овқатни табиий ишлаб чиқарувчиларни (масалан, ўсимликлар ва ҳайвонлар) молекуляр роботлардан тузилган функционал ўхшашларига алмаштириш. Улар тирик организмда содир бўладиган кимёвий жараёнларни қисқароқ ва самаралироқ йўл билан амалга оширишади. Масалан, “тупроқ-ис газ-фотосинтез-ўт-сигир-сут” занжиридан барча ортиқча бўлимлар олиб ташланади. Фақат “тупроқ-ис газ-сут (қатиқ, ёғ, гўшт)” қолади. Бундай “қишлоқ хўжалиги”

самарадорлиги об-ҳаво ва оғир меҳнат шароитига боғлиқ бўлмайди. Унинг ишлаб чиқариш ҳажми озиқ-овқат муаммосини биратўла ҳал қилади. Амалга ошиш муддати – XXI асрнинг иккинчи-тўртинчи чорақлари.



5. Биология. Тирик организмга атомлар даражасидаги наноэлементларни киритиш мумкин бўлади. Бунинг оқибатлари турлича бўлиб, йўқолиб кетган турларни тиклашдан тортиб, янги турдаги жонзотлар биороботларини яратишга олиб келиши мумкин. Амалга ошиш муддати – XXI аср.


6. Экология. Инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини тўлиқ бартараф қилиш. Бунга биринчидан, экосферани инсон фаолияти чиқиндиларини бошланғич хом-ашёга айлантирувчи молекуляр робот-санитарлар билан тўлдириш, иккинчидан эса саноат ва қишлоқ хўжалигини чиқиндисиз нанотехнологик усулга ўтказиш билан амалга ошириш мумкин. Амалга ошиш муддати – XXI аср.

7. Коинотни ўзлаштириш. Коинот “одатий” йўл билан эмас, балки нанороботлар орқали ўзлаштирилади. Робот-молекулаларнинг улкан армияси Ер атрофидаги фазога чиқарилади ва уни инсон яшаши учун яроқли ҳолатга келтиради. Ой, астероидлар ва яқин планеталарда инсон яшаши учун космик станциялар қуриш. Бу ҳозирда мавжуд бўлган усуллардан арзон ва хавфсиз бўлади.

8. Кибернетика. Ҳозирда мавжуд бўлган планар структуралардан ўлчамлари молекулалар ўлчамига тенг бўлган ҳаж-

мий микросхемаларига ўтиш содир бўлади. Компьютерларнинг ишчи частотаси терагерцс қийматга этади. Нейронга ўхшаш элементлардан тузилган схемалар пайдо бўлади. Оқсил молекулаларидан тузилган хотира ҳажми терабайтларда ўлчанадиган, сақлаш даври узоқ бўлган хотира элементлари пайдо бўлади. Инсон ақлини компьютерга «кўчириш» мумкин бўлиб қолади. Амалга ошиш муддати – XXI асрнинг иккинчи чораги.

9. Ақлли яшаш муҳити. Барча ташкилий қисмларга мантиқ элементларини киритиш ҳисобига биз яшаётган атроф-муҳит «ақлли» ва инсон яшаши учун мутлақ қулай бўлиб қолади. Амалга ошиш муддати – XXI асрдан кейин.



Хулоса ўрнида таклиф

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бир қанча амалий таклифлар киритишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Мамлакатимизда “Нанотехнология” журналин ташкил этиш таклифини қўллаб-қувватлаш лозим. Шунингдек, мамлакатимиздаги олий ўқув юр்தларининг физика, физика-техника, кимё факультетларида “нанотехнология” ва “наноматериаллар” таълимнинг кенг йўлга қўйилиши, бу йўналишлар бўйича бакалавр ва магистратура таълим босқичларининг ҳамда нанотехнология кафедраларининг ташкил этилиши юртимизда мазкур соҳанинг истиқболини белгилаб берувчи омиллардан бўлиши, шубҳасиз.

■ **О. ҚУВОНДИҚОВ,**

СамДУ профессори,
физика-математика фанлари
доктори

■ **Э. АРЗИҚУЛОВ,**

физика-математика фанлари
номзоди, доцент

■ **Ж. РЎЗИМУРОДОВ,**

аспирант

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуида “Uzbekistan Industrial exhibitions – 2018” халқаро саноат кўргазмалари бўлиб ўтди.

Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга Хитой, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Германия, Словакия, Украина, Беларусь, Ҳиндистон, Польша, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан 100 га яқин компания маҳсулотлари ва хизматлари намойиш этилди.


“UzMiningExpo” халқаро кўргазмасида ташриф буюрувчилар ерости табиий бойликларини қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш мажмуи учун асбоб-ускуналар, бойитувчи ва ташувчи технологиялар, истиқболли хизматлар билан танишдилар.

Тоғ-кон иши мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан биридир. Шу боис, Ўзбекистонда тоғ-кон саноати корхоналарини техник жиҳозлаш, технологияларни такомиллаштириш борасида яхши тажриба тўпланган. Шунингдек, соҳага жалб этилаётган инвестициялар, саноатга энг замонавий технологиялар жорий этилиши изчил ривожланиш омили ҳисобланади.

“UzTechTransExpo” экспозицияси йўл-қурилиш соҳаси мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда махсус техникалар, автомобиль бутловчи қисмлари, транспорт ва логистика, омбор мажмуаларидан фойдаланиш хизматлари кўргазмага қўйилган эди.

Халқаро кўргазмадан ўрин олган “UzSecureExpo” экспозицияси маҳсулотлари ҳам эътиборга молик. Унда саноат объектларида хавфсизликни таъминлаш техник воситалари, огоҳлантириш тизимлари, комплекс хавфсизликни таъминлаш жиҳозлари, рациялар, шахсий ҳимоя воситалари, ўт ўчиргичлар, аудио ва видео кузатув, техника, технологиялар, ҳалокат ва офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жиҳозлари намойиш этилди.

– Интеллектуал хавфсизлик тизимини назорат қилиш учун дастурий технология ва қурилмалар ишлаб чиқарамиз. Улар асосида мижозларимизга энг замонавий хавфсизлик ечимини таклиф қиламиз, – дейди “ABL-Soft&SS” компанияси директори ўринбосари Шерзод Олимов. – Бугун



етти турдаги маҳсулот намоиш этияпмиз. Булар одамларни юзидан шахсини ва бармоқ изини аниқлайдиган, таълим соҳасида қўлланиладиган электрон давомат қурилмалари, ахборот киоск, автомобиль йўллари ва иншоотлари учун видеокузатув, жаримага тортилиб, қидирувда бўлган автомобилларни аниқлаш мосламаларидир. Маҳсулотларимизга талаб юқори. Бу кўргазмада ўзимизга янги ҳамкорлар топиб, шартномалар имзоладик.

“UzMetalMashExpo” кўргазмасида металлургия, металлга ишлов бериш, ускунасозлик технологиялари ҳам намоиш этилиб, бу саноатнинг ривожланиш тенденцияларини шакллантириш, маҳаллий саноатчилар билан хорижлик мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига умид билдирилди.



“Uzbekistan Industrial exhibitions – 2018” халқаро саноат кўргазмаларида “UzChemPlastExpo” ва “InterPackExpo” экспозицияси ҳам алоҳида ажралиб турибди. Уларда кимё саноати ҳамда қадоқлаш, полиграфия технологиялари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Бир қатор идора ҳамда ташкилотлар кўмагида “IEG Uzbekistan” кўргазма компанияси томонидан ташкил этилган ушбу “Uzbekistan Industrial exhibitions – 2018” халқаро саноат кўргазмалари барча иштирокчилар учун ишчан мулоқот майдонига айланди. Кўргазмаларининг бир майдонда бир неча асосий саноат кўргазмалари форматида ўтказилиши ишбилармонлик муҳитидан турдош саноатлар вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун тўлиқ фойдаланиш имконини ҳам берди. Тадбир доирасида бир қатор илмий-амалий конференция, семинар ва тақдимотлар ўтказилди.

■ Ўз мухбиримиз.



Голландия: юқори технологияли келажак

Голландиядаги ерларнинг ярмидан кўпи қишлоқ хўжалиги учун ажратилган. Мамлакат ўзининг камторона ҳудудига қарамай, озиқ-овқат маҳсулотларининг дунё бўйича иккинчи йирик экспортчиси ҳисобланади. Асосий мақсад – имкон қадар кўпроқ ишлаб чиқариш, ер ва ресурсларга эса кам маблағ сарфлаш орқали юқори технологияли қишлоқ хўжалиги тизимини яратишдир. Ахир, 2050 йилгача дунё аҳолиси 10 миллиард кишига етиши башорат қилинган.

Голландиянинг ривожланган қишлоқ хўжалигини асосий “ҳаракатлантирувчи кучи” тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 175 минг гектарга яқин майдонни эгаллаган иссиқхона ва оранжериялар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш йўналиши бўйича қишлоқ хўжалигининг ривожланиши деярли йигирма йил олдин бошланган бўлиб, унда голландлар мавжуд ресурслардан фойдаланиш шарти билан самарадорликни ва ишлаб чиқаришни икки баробар ошириш бўйича расмий мажбуриятни ўз зиммаларига олдилар.

Фермерлар бу мақсадни изчиллик билан бажардилар – кўпчилик сувга бўлган қарамликни 90 фоизга қисқартирди, шунингдек, иссиқхона иқтисодиётида кимёвий пестицидлардан фойдаланишни камайтирди ёки бутунлай тўхтатди. Бу йўналишда 2009 йилдан бошлаб паррандачилик ва чорвачилик фермаларида антибиотиклардан фойдаланиш 60 фоизга қисқарди. Умуман олганда, мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиёти озиқ-овқат водийсининг маркази бўлган

Wageningen университети – Силикон водийсининг ўхшаш бир тури бўлиб, фақат қишлоқ хўжалиги учун олиб бориладиган тадқиқотларга таянади. Бу соҳадаги барча технологик стартаплар айна шу ердан бошланади.

АЙРИМ ДАЛИЛЛАР:



Голландия дунёдаги энг йирик озиқ-овқат экспортчилари орасида АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Сўнгги 30 йил ичида Голландия помидор етиштириш бўйича дунёдаги етакчига айланди. Бундан ташқари, Голландия яшил қалампир ва чили ишлаб чиқариш учун ишончли тарзда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Катта фермер хўжаликлари иссиқлик комплекси бўлган Duijvestijn Tomaten помидорни иссиқлик изоляция базалт то-лалаларида ўстирадилар. Комплексда 15 турдаги помидор етиштирилади. Тизим бутунлай автоном ва мустақил: электр таъминоти, ўғитлар ва қадоқлаш материаллари жамламанинг таркибидан жой олган ва у маҳаллий ҳисобланади.

Инновацион деҳқончиликка асосланган Ян Копперт фермасининг иш услубига эътибор қаратамиз. Илгарилари бу хўжаликда бодринг зараркунандаларига қарши кураш учун пестицидлардан фойдаланиб келинар эди. Аммо Ян Копперт зараркунандаларга қарши курашни кимёвий воситалар ёрдамида эмас, балки бошқа ҳашаротлар ёрдамида курашиш йўлига ўтди. Эндиликда унинг Koppert Biological Systems компанияси ўз маҳсулотларини

KOPPERT

BIOLOGICAL SYSTEM

95 та мамлакатга сотиб, лаган-боғли личинкалар билан пахта халтачалари (хашоратлар билан кураш учун) ёки ўсимликлардаги ўргимчак каналари билан озуқаланадиган, шиша идишлардаги кана маҳсулотларини таклиф этиб келади. Шунингдек, катта фойда ари ва капалаклардан олинадиган – улар экинларни ва гулларни чанглатишда ёрдам беради. Ушбу биотехнология-

лардан фойдаланадиган деҳқонлар рентабеллик 20-30 фоизга кўпайишини таъкидлайдилар.

Н и х о я т, Голландия қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг энг йирик йўналиши уруғликлар бўлиб, сўнгги мавсумда даромад 1,7 миллиард долларни ташкил этган.

Хулоса ўрнида, америкалик иқтисодчи ва журналист Генри Стюарт Хэзлиттнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз:

– Рақобатбардош бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво пасайса, ишлаб чиқариш харажатлари юқори бўлган ва самарасиз ишлаб чиқарувчилар бозорни тарк этадилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан боғлиқ ҳолатда эса, нисбатан шу соҳани билмайдиганлар ёки ёмон ускуналар билан жиҳозланганлар ёки энг ёмон ерларда ишлаётган фермерлар бозордан чиқиб кетадилар. Энг яхши ердаги, энг мохир фермерлар ишлаб чиқариш ҳажмини чеклаши шарт эмас. Аксинча, нархнинг пасайиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан изоҳланадиган ўртача ишлаб чиқариш харажатларининг аломати бўл-



са, паст даромадли фермерлар бозорни тарк этиши, яхши ерларда яхши фермерларни ишлаб чиқаришини кенгайтириш имконини беради. Шундай шаклда давом этса, узоқ муддатли истиқболда, балким ишлаб чиқаришда ҳеч қандай камайиш бўлмайди. Ва бу ҳолда товарлар доимо паст нархда ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Генри Хэзлиттнинг юқоридаги фикрларини мухтасар қилиб изоҳласак, демак, ҳақиқий бозорда янги технологиялар билан жиҳозланган ва қулай шароитларда ишлайдиган, ақлли ишлаб чиқарувчилар таннархи арзон ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир бўладилар. Натижада эса, жамият максимал даражада маҳсулотларни мақбул нархларда ҳарид қилиб олади ва бундан барча бирдек фойда кўради ҳамда раванқ топади.

■ ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.



agroworld
UZBEKISTAN

ИННОВАЦИОН

ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ



“Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуида “Қишлоқ хўжалиги – Agro World Uzbekistan – 2018” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўн учинчи бор ташкил этилган нуфузли тадбир қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчиларини, деҳқон ва фермерлар, тадбиркорлар, ҳамкор тармоқлар мутахассисларини ўзига хос инновацион майдонда бирлаштирди.

“Ўзэкспомарказ” павильонларида, шунингдек, очик майдонда намоёишга қўйилган маҳаллий ва хориж мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, паррандачилик ва чорвачилик учун доривор воситалар, иссиқхоналар учун замонавий технологиялар, тезпишар ва ҳосилдор экинлар уруғлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Унда Австрия, Озарбайжон, Беларусь, Бельгия, Германия, Италия, Испания, Қозоғистон, Хитой, Латвия, Жанубий Корея, Нидерландия, Россия, Туркия, Украина, Франция каби 20 га яқин мамлакатдан 100 дан ортиқ компания, маҳаллий қишлоқ хўжалиги вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2017 йилда соҳа ривожига доир 5 қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида қишлоқ хўжалигида кенг ислохотлар амалга оширилмоқда.



– Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалиги соҳаси жуда муҳим ва аҳамиятли тармоқ. Мамлакатда бу соҳа жадал ривожланмоқда, – дейди Нидерландия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Регина Вероника Мария Жонс-Бос. – Нидерландияда аграр тармоқ яхши ривожланган. Аминманки, ўзбекистонлик соҳа вакиллари билан бу борада тажриба алмашиб, самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатамиз. Кўргазмада 11 Нидерландия компанияси иштирок этди ва уларнинг аксарияти ўзаро истиқболли шартномалар имзолашга эришди.

Инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этган Тошкентдаги “Uzbiogaz” масъулияти чекланган жамияти кўргазмада фермер ва аҳоли учун органик чиқиндилардан биогаз оладиган ускунани намоёиш этди. Тақдим этилган ускуна ёрдамида 1 тонна



органик чиқиндидан 60-70 метр/куб газ олиш мумкин. Шунингдек, қолган ўғит ерга ташланса, 30-40 фоизгача ҳосилдорлик ошади. Аҳолига, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида усқунани 10 йил муддатга ҳеч қандай кафилликсиз лизингга ўрнатиб бериш йўлга қўйилди.

Кўргазма нуфузи йил сайин ортиб бормоқда. Бу иштирокчилар сони кўпайганида ҳам кўзга ташланади. Бу йил кўргазмага илк бор Татаристон Республикасининг 5 компанияси вакиллари ҳам ташриф буюрган.



– Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий шароитда етиштирилгани, тотли таъми билан дунёга машҳур, – дейди Татаристон Республикаси Экспортни қўллаб-қувватлаш маркази мутахассиси Ольга Грезнева. – Ўтган йили биз учун узоқ кутилган воқеа – Ўзбекистонда валютанинг либераллаштирилиши айтилиши муддао бўлди. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан истиқболли келишувларга эришишимизга ишончимиз комил.

Анъанага кўра, кўргазманинг иккинчи кунда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўмагида «Фермерлар куни» бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар ўзаро тажриба алмашди, соҳага доир янги техника ва технологиялар билан танишиш имконига эга бўлди.

■ ЎЗА хабарлари асосида.



БУҒДОЙ ЎРИМИДА

*Бугдойзорда жавлон урарди комбайн,
Ўроқвойнинг жаҳли чиқар кўрган сайин.
– Менга иш қолмадими, энди хўжайин?
– Муносиб иш сенга топилар тайин:
Эгриман деб кўнглинг чўкмасин зинҳор,
Ҳар бир ишининг билган ижодкори бор.*



КЕТМОН ВА ТРАКТОР



*Ҳозир техниканинг бўлса замони,
Нега музейдамас деҳқон кетмони?*

*Трактор ҳайдаса ағдариб ерни,
Кетмоннинг ҳам бордир ҳар жойда ўрни.*

*Трактор кетмоннинг ишин қилолмас,
Кетмон ҳам трактор каби бўлолмас.*

*Иккови ҳам бободеҳқон кишининг,
Халоскори деҳқончилик ишининг.*

*Бири митти бўлса, бири баҳайбат,
Унга ҳам, бунга ҳам чин дилдан раҳмат.*

Анвар МИРЗАЗОДА.



БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҒИДАН ЖАҲОН БРЕНДИГАЧА

“АМКОДОР”

91 йиллик тарихга
эга корхона. Ўтган
вақт мобайнида у
болалар ўйинчоқлари
ишлаб чиқарувчи
кичик фабрикадан
йирик машинасозлик
бирлашмасигача
бўлган залворли йўлни
босиб ўтди.

“АМКОДОР” холдинги таркибида 20 дан ортиқ юридик шахс жамланган, техника модель ва модификациялари қатори эса 120 дан ортиқни ташкил қилиб, уларга дунёнинг кўплаб мамлакатларида талаб юқори. Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хорижнинг айнан шу турдаги техникалари билан юқори сифат, мақбул нарх, эҳтиёт қисмлар ва хизмат кўрсатиш қийматлари миқдори билан бемалол рақобатлаша олади.

1927 йил 1 февраль. Белоруссия Халқ комиссариати Минск меҳнат жамоалари ҳудудий бирлашмаси таркибида болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи корхона барпо этилди. Шу йилнинг ўзида болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи жамоа негизда “Возрождение” фабрикаси ишга туширилди.

1928 й. “Возрождение” фабрикасининг асосий биноси қуриб битказилди.

1930 й. “Возрождение” фабрикаси “Ударник” заводига айлантирилди ва саноат тарозилари ни ишлаб чиқара бошлади.

1934 й. “Ударник” заводи юк ортилган автомобилларнинг оғирлигини ўлчайдиган тарозилар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

1941–1944 йй. Иккинчи жаҳон уруши, Минск немис босқинчилари томонидан қамал қилинди, “Ударник” заводининг 90 фоиз

ишлаб чиқариш майдонлари вайронага айланди.

1944–1950 йй. “Ударник” заводи қайта тикланиб, урушгача бўлган даврдаги қувват билан ишлай бошлади.

1952 й. Заводда илк йўл машиналари ишлаб чиқарилди.

1972 й. “Ударник” ўзининг дастлабки яккачўмичли юклаш техникаларини етказиб берди.

1983 й. “Ударник” заводи Минск йўл машинасозлиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирди.

1987 й. Заводда 1000-юк ортиш техникаси ишлаб чиқарилди.

1990 й. Минск “Ударник” заводи ва Минск йўл машинасозлиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси муассислигида “Дормашмет” кичик корхонаси таъсис этилди.

1991 й. Корхоналарни қўшиб юбориш орқали “Амкодор” АЖ ташкил топди.

1992 й. “Амкодор” АЖнинг номи “Амкодор” концерни(акциядорлик жамияти)га айлантирилди.

1996 й. “Амкодор” концерни (акциядорлик жамияти) “Амкодор” ОАЖ сифатида қайта номланди.

2001-2003 йй. “Амкодор” ОАЖ “Амкодор-Ударник” ОАЖга айлантирилди ва унинг таркибига бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда заводлар киритилди.

2012 й. Беларусь Республикаси иқтисодиёт вазирлиги “Амкодор” ОАЖ – холдинг бошқарув компаниясини рўйхатдан ўтказди.

Худди шу йили Ўзбекистон Республикасида “Амкодор-Тошкент” МЧЖ хорижий корхонаси ташкил топди.



2017 й. “Амкодор” ўзининг 90 йиллигини нишонлади.

Ўзбекистон Республикасида “Amkodor-Agrotexmash” МЧЖ рўйхатдан ўтказилди. Мазкур корхона Ўзбекистон Республикасида “Амкодор” холдинг компанияси манфаатларини ифодалайди. Бундай корхонани ташкил қилиш давлат иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, саноат ва кон тармоқларини ривожлантириш соҳаларидаги зарурат, муҳандислик маҳсулотларига ортиб бораётган талаб туфайли юзага келган эди.

ДРОНЛАР ФЕРМЕРГА КЎМАКЧИ



Яқинда интернет тармоқлари Самарқандда машинада ўтириб кино кўрадиган кинотеатр, кейинроқ ғалати кутубхоналар қурилаётгани ҳақида хабарлар тарқатди. Бугун ана шу ишларни қилиб юрган йигитлар яна бир янгиликка қўл уришди. Дронлар билан фермерларнинг экинларига дори сепиб беришни бошлашди.

Бу янги-янги ташаббуслар билан чиқаётган йигитлар Самарқандда илк киностудия очиб, шаҳар ҳақидаги бир қанча лавҳалар, фильм-концертлар, ҳатто битта бадиий фильм олишга ҳам улгурган “Vendo group” компаниясининг ходимлари. Янги ғоялар “ишлаб чиқарувчи” Хайрулла Мамасолиев, янгиликни ҳаётга татбиқ этувчи Ойбек Остонов ва уларнинг дўстлари.

“Vendo group”нинг янги лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Президенти эътибор қилаётган фермерлик, боғдорчилик, томорқачилик ишига кўмаклашувчи “AgroDron.uz” лойиҳаси бўлди. Содда қилиб тушунтирсак, “Vendo group” фермерлар ва томорқачиларга уларнинг ғалласи, полиз ва бошқа экинларини дорилашда ёрдам беришни бошлади. Энг муҳими, бу ишлар экинларни босиб-янчиши мумкин бўлган тракторларда эмас, доридан заҳарланиш мумкин бўлган қўлда эмас, дронлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

– Ҳар бир дрон бир учишда 10 литр дорини кўтара олади ва 1 гектар ерни 12-15 минутда дорилаб беради. Дорини кўп, кам, секин ё тез сепиш учун ҳамма созуламалари мавжуд. Ҳар хил катталиқдаги пуркагичлари бор ва дастур орқали мосламаларни керакли ҳолатга ўтказиш осон. Дрон 10 литр доритугаганда бошқарувчи олдида қайтиб келади ва яна дори солингач, тўхтаган жойига қайтиб, ишини давом эттириб кетаверади, – деди Хайрулла Мамасолиев. – Мана,



бугун лойиҳамиз тақдироти сифатида Жомбой туманидаги Хонкул Самаровнинг боғдорчилик хўжалигида унинг бедаларига “аминопелик” деган дорини дронлар ёрдамида сепиб бердик.

Бу ғоя қандай туғилди?

– Икки йил олдин Исроил кишлоқ хўжалиги вазирлиги Россия кишлоқ хўжалиги вазирлигига кимёвий дорилар сепадиган вертолёт совға қилганини кўрганимда мана шунақа агродронлар яшани ният қилган эдим, – деди Хайрулла. – Аммо вертолёт қиммат. Бизнинг агродронлар нархи 8-10 минг доллар атрофида бўлади. Сотиб олишса, ишлатишни ўргатамиз, таклиф қилишса, ўзимиз истаган дориларини сепиб берамиз. Хизмат ҳақи фермерларга маъқул усулда, нақд пулда ҳам олаверамиз, пул кўчириб беришса ҳам майли, кузда, ҳосилни йиғиштириб олгандан

кейин маҳсулот шаклида берамиз дейишса ҳам розимиз. Фермерлар берадиган картошка, сабзи, пиёз каби маҳсулотларни хайрия тадбирларимизда болалар уйларига берамиз.

– Президентимизнинг агродронлардан фойдаланишни ривожлантириш керак, деган гапини эшитгандим, шунга қизиқдим. Мана, агродронда даламга дори септирдим, – дейди фермер Хонкул Самаров. – Энг қизиғи, дўстларимга дронда дори септирдим десам, устимдан кулишди. “Америкага бориб келдингми, унақа дрон Америкада бор-ку?”, дейишди. Эртага томорқамдаги эканларимга ҳам дрон билан дори септираман, дўстларимни ҳам чақириб қўйдим, бир кўришсин!

– Ҳа, дўстларингизга айтинг, – деди Хайрулла. – Агродрон билан карам, картошка қуртидан тортиб дарахт ширинчасига ҳам дори сепса бўлади.

Кейинги режалар қандай?

– Агродронлар бўйича сервис хизматини йўлга қўймоқчимиз. Қишлоқларда ҳам устахоналар очиб, бекор юрган ёшларга худди шундай дронлар яшани, ишлатишни, керак бўлганда таъмирлашни ўргатамиз. Ҳар битта маҳаллада устахона очиш ниятим бор.

Дронлар нима билан учади, бензин биланми, керосин биланми?

– Электр токидан қувват оладиган батареяларда учади. Бир қувватлантирилган батареякалари бир кун ишлатишга етади. 10 гектар ерни икки-уч соатда дорилаб бера олади.

Юртимиз фермерларига муурожаат: техника тараққиётига ошно бўлинг, агродронлардан фойдаланинг!

■ xabar.uz





Биласизми?

ДАРЁ ШАРАФИГА НОМЛАНГАН ДАСТУР

ЁХУД ЖАҲОНДАГИ ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАР НОМЛАНИШИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Машҳур брендларнинг номларига қараб, уларнинг тарихи қандай экани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Эҳтимол, улар мутлақо тасодифан пайдо бўлгандир? Бугун шу мавзуда тўпланган қизиқарли маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

• **Apache** – дастлаб компания дастурларга патч (калит) етказиб бериш билан шуғулланган. APAtCH деб номланган бу дастур бора-бора Apache бўлиб кетган. Ҳиндуларнинг бу борадаги йўналишлари бошқа.

• **Adobe** – компания таъсисчиси Джон Ворнок (John Warnock) нинг уйи ёнидан оқиб ўтувчи Adobe Creek дарёси шарафига.

• **Adidas** – таъсисчилардан бири Ади Даслер.

• **Apple** – компанияни ташкил қилган Стив Джобс (Steve Jobs) севган мева. Янги бизнеси учун уч ой ном топа олмагач, у ҳамкорларига шарт қўяди: “Агар 5 соат ичида менга муносиб ном топиб бера олмасангиз, мен компанияни Apple, деб номлайман”. Apples Macintosh – АҚШда етиштириладиган олма нави.

• **Canon** – Будда раҳм-шафқат худоси. Canon шаклига ўзгартиришдан мақсад – турли диний ташкилотларнинг норозилигини бартараф этиш.

• **Casio** – компанияни ташкил қилган Касио Тадао (Kashio Tadao) шарафига.

• **Compaq** – Comp ва раq (кичик шаклдаги деталь) сўзларидан ясалган.

• **Daewoo** – компания асосчиси Ким Ву Чонг (Kim Woo Chong) топган ном: корейс тилидан “катта коинот”, деб таржима қилинади.

• **Fuji** – Япониядаги энг катта тоғ – Фудзи.

• **HP (Hewlett-Packard)** – компания ташкилотчилари Билл Хьюлетт (Bill Hewlett) ва Дэйв Паккард (Dave Packard) кимнинг номи биринчи бўлишини баҳслашиб, танга ташлашган. Кўриниб турибдики, Билл ютиб чиққан.

• **Hitachi** – япон тилига ўғирганда “тонг” маъносини беради.

• **Honda** – компания таъсисчиси Soichiro Honda Honeywell.

• **Hyundai** – корейс тилидан “айни пайт” деб таржима қилинади.

• **IBM** – International Business Machines.

• **Kawasaki** – таъсисчиси Shozo Kawasaki шарафига.

• **Kodak** – K – компания асосчиси Джордж Истмен (George Eastman) ёқтирган ҳарф. У шу ҳарф билан бошланиб, шу ҳарф билан тугайдиган сўз излайди. Охир-оқибат Кодак сўзида тўхтади, гўёки фотокамера ишлаганда шундай товуш чиқар эмиш.

• **Konica** – асосчиси Konishiroku Kogaku.

• **LG** – икки корейс бренд – Lucky ва Goldstar бош ҳарфлари.

• **Microsoft** – MICROcomputer SOFTWARE. Аввалига Micro-Soft кўринишида бўлган. Сўнг чизиқча олиб ташланган.

• **Mitsubishi** – 1870 йили компания таъсисчиси Ятаро Ивасаки (Yataro Iwasaki) ўйлаб топган. Япончада бу ном “Уч жавахир” маъносини билдиради. Бу нарса компания логотибида ҳам акс этган.

• **Motorola** – унинг асосчиси Поль Гэлвин (Paul Galvin) ўйлаб топган. Машиналар учун радио ишлаб чиқаришни бошла-

ган компания ўша пайтларда бу каби ишлаб чиқарувчилар орасида русм бўлган “ola” бирикмасини ҳам қабул қилган.

• **Nikon** – Nippon Kogaku “Япон оптикаси”.

• **Nissan** – аввалига Nichon Sangio деб номланган компаниянинг ҳозирги номи “Япон саноати” деб таржима қилинади.

• **Nokia** – бошланишига ёғочни қайта ишловчи, кейинчалик резина маҳсулотлари корхона сифатида Финляндиянинг Nokia шаҳарчасида иш бошлаган.

• **Sanyo** – Хитойча “Уч уммон” дегани.

• **Siemens** – 1847 йили Вернер фон Сименс (Werner von Siemens) томонидан ташкил топган.

• **Sony** – лотинча “Sonus” (овоз ёки товуш) маъносида.

• **Subaru** – юлдузлар туркумининг номланиши. Компания логотибида ҳам акс этган.

• **Suzuki** – асосчиси Michio Suzuki.

• **Toshiba** – иккита корхона бирлашиши натижасида юзага келган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи Tokyo Denki (Tokyo Electric Co) ва электрокомпания шаклидаги Shibaura Seisaku-sho (Shibaura Engineering Works) номларидан.

• **Toyota** – асосчиси Sakichi Toyoda шарафига.

• **Xerox** – ихтирочи Честор Карлсон (Chestor Carlson) унинг номида “куруқ” деган ибора бўлишини истаган, негаки ўша пайтлар нусха кўчиришда сув билан ишлов берилар эди. “Xer” – грекчада куруқ дегани.

■ **Н. ҚОБИЛЖОНОВ**
тайёрлади.



МЕҲМОННИ ЧОРЛАЙДИ СУМАЛАКЛАРИНГ

Мамлакатимизга янгиланиш, яшариш фасли кириб келиб, кўклам ўзининг бор тароватини намоён қилишни бошлаган паллада анъанага кўра Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланади. Асрий тарихига эга бу байрам кунлари халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналари, турфа маросимлар ўтказилади, қайта тикланиб, янгича тус олади. Шу тариқа миллий меросимиз авлодлар қалбига синга боради.

Халқимизнинг “Ҳамал, ҳамалда – амал” деган мақоли жуда машҳур. Ҳижрий-шамсий тақвим бўйича Қуёшнинг биринчи буржга ва ойнинг ўн икки бурждан бири – Ҳамал (ҳомиладор қўй)га кириши билан “Наврўз”, “Янги кун”, у билан бирга янги фасл – баҳор кириб келади. Баҳор нафасидан борлиқ танасига қайта жон киради. Бу байрам инсон ички олами ва унинг табиат билан уйғунлиги рамзидир.

Наврўз – қадимий байрам. Унинг тарихи қарийб 4 минг йилдан нарироққа бориб тақалади, деган тахминлар мавжуд. Бунга муайян асослар ҳам бор. X аср тарихчиси Абу Бакр Наршахий “Бухоро тарихи” китобида Сиёвуш ҳақида қўшиқлар тўғрисида сўзлар экан, бунга 3 минг йиллар бўлган, деган фикрни билдирган. Наврўз байрами ҳақида

турли қадимий манбаларда баъзи маълумотлар сақланиб қолган. Беруний бобомиз шундай ёзган экан: “Бу кун – фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу куни фаришталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу куни қуёш яратилган. Бу кунни шоҳлар ҳам қадрлайдилар, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир”.



Тарихда Наврўзга муносабат доимо бир хил бўлиб келмаган. Турли даврларда Наврўз байрамига у ё бу даражада тазйиқлар бўлган. Масалан, биз жуда яхши эслаймиз, Наврўзга энг қўпол ҳужум шўролар даври сиёсати билан боғлиқ. Собиқ иттифоқ даврида Наврўзни байрам сифатида нишонлаш тақиқлаб қўйилган. Шу боис, Мустақилликкача Наврўз умумхалқ байрами эмас, балки тор доирада, оилавий шароитда нишонланган. 1980 йилларнинг ўрталарига келиб эса, ҳатто Наврўз байрамини Навбаҳор байрамига алмаштириш керак, қабилидаги таклифлар олға сурилди. Шунингдек, Наврўз байрами ўтадиган март ойининг учинчи якшанбасида хотира кунини нишонлаш ҳаракатлари бўлди.

Маълумки, 2009 йилда ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданият мероси рўйхатига киритилди. Наврўз байрами элимизда ободлик, тинчлик-тотувлик, миллат-



ларо аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбларимизда эзгулик уйғотадиган ҳақиқий шарқона байрам бўлиб қолаверади. Шоир ёзганидек,

*Баҳорни билмаган элларни кўрдим,
Бир чечак кулмаган ерларни кўрдим.
Ўзингни соғиниб келади Наврўз,
Қафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўрғулай, боғбоним, юртим.*

*Чучмома чайқалиб, чалар қўнғироқ,
Ҳаёт ҳидин сочар уйғонган тупроқ,
Илдиз сувратини чизади чақмоқ,
Қафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўрғулай, боғбоним, юртим.*

*Меҳмонни чорлайди сумалақларинг,
Қизларинг боғлайди жамалақларин.
Саодатга кўприк камалақларинг,
Қафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўрғулай, боғбоним, юртим.*



МИР АГРОТЕХНИКИ

Наврўз айёми муносабати билан “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ҳамда унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар жамоалари учун катта байрам тадбирлари ташкил этилди. Эрта тонгдан қозонлар осилиб, палов, баҳор таомлари – сумалақ ва халим пиширилди. Байрамга соҳада узоқ йиллар фаолият олиб борган ва ҳозирда кексалик гаштини сураётган фохрийлар ҳам таклиф этилди. Дастурхонга сумалақ, халим, ош тортилди.

Халқимизга хос бўлган мурувватлилиқ фазилатларини ёшлар ўртасида янада мустаҳкамлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга совға-саломлар тарқатилди.

Миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, пазандалик танловлари уюштирилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.



Мусобақа номи	1-ўрин	2-ўрин	3-ўрин
Арқон тортиш	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техника заводи” АЖ	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ	“ЎзКЛААСАгро” МЧЖ
Варрак сайли	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техника заводи” АЖ	“Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик технологик маркази” МЧЖ	“ЎзКЛААСАгро” МЧЖ
Тош кўтариш	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техника заводи” АЖ	“БМКБ-Агромаш” МЧЖ	“ЎзКЛААСАгро” МЧЖ
Армреслинг	“ЎзКЛААСАгро” МЧЖ	“Технолог” АЖ	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техника заводи” АЖ
Энг мазали миллий таом	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техника заводи” АЖ	“ЎзКЛААСАгро” МЧЖ	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ



Қачонки
ҳаёлингдан бирор
шубҳали фикр ўтса,
уни тарк қил.

Сабрлилик
мусибатнинг
биринчи
дақиқаларида
билинади.

Одамларга
яхшилик қилиш ва
қариндошлар билан
яқин алоқада бўлиб
ҳол-аҳвол сўрашиб
туриш – бу савоби
тез тегадиган хайрли
ишлардандир.
Зулм билан
қариндошлардан
узилиб қетишлик
эса, жазоси тез
билинадиган ёмон
ишлардандир.

Кишилар
ўртасида низо ва
муаммолар хусусида
тўғри фикр берадиган
ва одилона ҳукм
чиқарадиганлар яхши
одамлардир.

Ўлим – даҳшатли
ҳодисадир.
Қачонки тобутни
кўрсаларингиз,
дарҳол ҳурмат учун
ўринларингиздан
туринглар.

Фақат хайрли ва
савобли ишларга
буюрилганда итоат
қилиш керак.

Имонли одам
ваъдага вафодор
бўлади.

Ҳар бир
нарсанинг авжи
бор. Омади келган
киши ўзини тўғри
тутиб юрса, ундан
яхшилик кутинглар.
Мободо шуҳрат ва
манмансирашга ўтса,
уни мукаммал одам
ҳисобламанглар.

Бахтсизлик уч
нарсададир: отда,
хотинда ва ҳовлида
(яъни: ёмон от, ёмон
хотин ва тор ҳовли,
дейилмоқчи.)

Инсон кўпроқ
хатони ўз тили
билан содир қилади.

Қулоққа ёмон
эшитиладиган
гапдан сақлан, э
хотин!

Ёлғон
гапиришдан
сақланинглар, чунки
ёлғончилик имондан
бегонадир.

Гумондан сақланинглар! Зеро у ёлғон гапдан иборатдир. Бир-бирларингизни текшириб жосуслик қилманглар. Мол-дунё учун мусобақа қилманглар. Ўрталарингда ҳасад, адоват ва аразлаш бўлмасин. Тангрининг биродар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига то улар ўзаро битишгунча ёки тарк қилгунча, совчи юборманглар.

Ибратли ҳикоятлар

Қайғуниң сабаби

Бир хотин эри вафот қилгандан кейин бошқа бир кишига турмушга чикди. Ҳар куни у кейинги эрига вафот қилган эрини мақтаб:

– Сиздан олдинги эримнинг вафоти сабабли кўнглимда ҳосил бўлган қайғу-аламни қандай қилиб унутишимни билмайман, ҳаммавақт уни эслашдан ўзимни тия олмайман, – деб ҳасрат қиларди.

Кейинги эри хотиннинг аввалги эрини ҳар куни таъриф-тавсиф қилганини эшита бериб, безор бўлди. Бир куни хотини яна ҳар куни айтадиган сўзларини такрор қилган эди, эри қайғуланиб айтди:

– Аввалги эрингиз вафот этгани учун мен ҳам қайғураман. Қайғу-аламимнинг кўплигидан нима қилишни билмайман.

– Вой, сиз ҳам қайғура бошладингизми?

– Ёлғон сўзламайман, аввалги эрингизнинг вафотига мен ҳам қайғура бошладим.

– Нима сабабдан?

– Агар у эрингиз вафот қилмаган бўлсайди, сиз унинг хотини бўлиб қолаверардингиз, мен ҳам ҳар куни уни таъриф қилиб айтган сўзларингизни эшитмасдим.

Ажойиб,
لازلكاتك

Қорақуш бир кун тўрт жаноза намозига ҳозир бўлди. Намоздан сўнг одамлардан:

– Булар кимларнинг жасадлари? – деб сўради.

Одамлар унга: “Булардан бири Дуторий, иккинчиси Танбурий, учинчиси Ѓижжакий, тўртинчиси эса Чангийнинг жасади”, деб жавоб бердилар. Қорақуш одамларга:

– Бу кеча у дунёда жуда катта базм бўлар экан, томошани хоҳлаганлар бора-веришсин, – деди.



Яна кўнахона



Бир бой чет мамлакатда кўп вақт тургандан кейин ўз ватанига қайтиб, энг аввал учраган дўстидан:

– Қалай, шаҳримизда мен бор вақтдагидек жинни-демоналар кўпми? – деб сўради.

Дўсти:

– Сиз кетганингиздан кейин жуда камайиб кетганди. Мана, қайтдингиз, яна кўпая бошлайди деб, умид қиламиз, – дея жавоб берди.

«Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» китобидан.



AGROTEKHNIKA DUNYO SI

Нигох



ТРАКТОРЛАР ПОЙГАСИ

ЁҲУД ДУНЁДАГИ ЭНГ АНТИҚА МУСОБАҚА

Мана, бир неча йилдирки, тиниб-тинчимас америкаликлар оддий пойгаларни ҳам қандай қилиб шоу даражасига олиб чиқиш илмини сув қилиб ичиб юборганликларини намойиш қилиб келишади. Зеро, улар учун мусобақада иштирок этадиган машиналар турининг аҳамияти йўқ, трактор бўлсаям, майли. Фақат унинг қуввати 10 минг от кучига етказилса, бас.

Азал-азалдан одамлар ўзаро мусобақалашшни хуш кўрадилар. Дастлабки тракторлар ихтиро қилинишидан аввал ҳам дунёнинг турли бурчакларидаги фермерлар кимнинг сигири кўпроқ сут беради, кимнинг товуклари катта тухум қўяди, кимнинг йилқилари учқур, кучли ва чидамли экани борасида баҳслашишдан чарчашмаган. Жониворларнинг кучини синаб кўриш усуллари етарли эди: отга оғир омон, бахайбат тош бойлаб тортириб кўришган. Аввалига дўстона гаров тарзида амалга оширилган беллашувлар кейинчалик ҳақиқий спорт, бизнес кўринишини олиб, турли тартиб-қоидалар жорий қилинган ва отлар бунинг учун махсус тайёрланган.

Тракторлар билан ҳам деярли шундай бўлди: 1892 йилда Жон Фроелич ички ёнув двигателига эга дастлабки тракторни ихтиро қилди, орадан 37 йил ўтиб, 1929 йилда эса Воэншвилл (Миссури штати) ва Боулинг-Гринда (Огайо штати) тракторлар ўртасида энг кучли таянч қувватига эга техника мусобақалари уюштирилди. Аввалига тадбир катта муваффақият қозонмади. Сабаби

техникалар даражаси турли-туман ва бир-биридан кескин фарқ қиларди, ягона регламент (техник талаб ва кўрсаткичлар) йўқ эди. Шунингдек, штатларни боғлайдиган қатнов йўллари техникаларнинг бешикаст манзилга етиб боришига монелик қиларди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам бу каби кўнгилочар мусобақалар одамлар кўнглига сиғмади. Аммо ўтган асрнинг 50- ва 60- йилларига келиб тракторлар пойгаси АҚШда мунтазамлик касб эта бошлади. Бу эса нафақат машинасозлик соҳасининг ривожланишига, шу билан бирга, штатлар орасидаги автомобиль йўллари инфратузилмасининг тараққий этишига хизмат қилди.

Фақат регламент муаммоси ечилмай келаётган эди. Аммо уни ҳам 1969 йилга келиб умумий шаклга келтиришга муваффақ бўлинди. Шу йили National Tractor Pullers Association (NTPA) тузилмаси ташкил этилди. Мазкур ассоциация бугунги кунда ҳам профессионал тракторлар пойгаси иштирокчилари орасида юқори нуфузга эга ташкилот саналади.



ТАРИХ ЗАРВАРАҚАЛАРИДА...

70-йиллар ўрталарига келиб НТРА шафелиги остида уюштирилаётган трактор ва юк машиналари ўртасида энг кучли таянч қувватига эга техника мусобақаларининг регламентига ўзгартириш киритилди. Огайо штатида истиқомат қилувчи ака-ука Карл ва Пол Боузз ихтиро қилган Crossbox трансмиссияси бунга сабаб бўлди. Янги техника бир нечта двигателларни битта бўғимга улаб жойлаштириш имкониятини берар эди. Бу эса вазиятни издан чиқарди: улкан, баҳайбат, қудратли техникалар даври бошланди. Шундан сўнг 1979 йилда НТРА ҳозирга қадар ўз кучида қолаётган моторлар сонини чекловчи янги техник регламентини эълон қилди.



1963 йилнинг баҳорида Ўзбекистонга Куба раҳбари ташриф буюради. Мана, орадан неча йил ўтса ҳамки, ватандошларимиз орол мамлакатни бир неча ўн йил давомида бошқарган атоқли сиёсат ва давлат арбоби Фидель Алехандро Кастро Рус номини ҳамон ўзгача меҳр билан ёдда сақлайдилар.

Куба инқилобининг етакчиси Фидель Кастро ўз Ватанининг ҳақиқий ва содиқ ватанпарвари сифатида, бугунги Кубанинг асосчи-отаси сифатида тан олинган, Куба давлатчилигига мустаҳкам пойдевор ўрнатган, мамлакат мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилишда мардлик ва қатъийликни намоён қилган. Куба халқининг мустаҳкам иродаси ва озодликка интилиши, ўз тараққиёт йўлини сақлаб қолишдаги қатъий жасорати, ҳеч муболағасиз, ушбу тарихий шахс номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Фидель Кастро ҳар доим Ўзбекистон ва Куба ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат тарафдори бўлган. Куба йўлбошчисининг Ўзбекистонга ташрифини, республика бўйлаб сафари ва унутилмас дўстона учрашувларини ўзбекистонликлар яхши эслашади.

Кастро Тошкентга келганида уни олқишлаш учун минглаб одамлар кўчага чиққан эди. У пойтахтдан сўнг Самарқанд ва Фарғона вилоятларига ҳам қадам ранжида қилган. Қадимий шаҳарда тарихий обидалардан ҳайратланган бўлса, Водийда асосан қишлоқ хўжалиги ютуқлари билан танишган.

Маълумки, Куба ҳам пахта етиштирувчи санокли давлатлар қаторига киради. Фарғона хўжаликларидан бирида ўзбек деҳқонларининг пахтачиликдаги тажрибалари билан танишиб, тракторлардан бирини бошқариб ҳам кўрган Куба етакчисига миллий чопон ва дўппи совға қилинган лаҳзалар муҳрланган фотосурат ўша пайтда жаҳоннинг етакчи ОАВда чоп этилган.



Тракторлар пойгаси бошқа мамлакатларда ҳам аста-секинлик билан жорий қилина бошланди. Австралияда ҳудди шундай мусобақалар 1976 йилдан, Европанинг айрим давлатларида (масалан, Буюк Британия) 1980 йилдан, Россияда эса 2010 йилдан бошлаб ўтказиб келинмоқда.

■ **Шаҳзода АБЖАББОРОВА**
тайёрлади.



Назмий муолажалар



СОВУҚ УРГАННИНГ ТАДБИРИ

Қайси аъзони совуқ урса
агар қилмай наво,
Сиркаю, кашнич сувини
суркасин шулдир даво.



ОВОЗ БЎҒИЛИШИ ТАДБИРИ

Ҳар кишининг овози чиқмай, бошидан хуш қочар,
Турп сувида ғарғара қилса уни дарҳол очар.



ТУРП УРУҒИ

Ҳаддан ортиғ турп уриғин
килса истеъмол киши,
Қичишур тани ўт олиб, ор-
тажақдир ташвиши.



СИЙДИК ТУТОЛМАСЛИК ТАДБИРИ

Ҳар кишининг сийдиги томчилаб юрган замон,
Гар чигиртка пишириб еса бўлар дарддан омон.



ИЧ ҚОТИШИ ТАДБИРИ

Сен агар бўри ўтин хина суви бирла қўшиб,
Қорнингга суртсанг кетар ич қотиши дарҳол жўшиб.



ИСТИСҚО ТАДБИРИ

Кимки истисқо бўлиб, бўлса тани кўп нотовон,
Қуришиб чигирткадан тўйиб еса, бўлгай омон.



ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ ТАДБИРИ

Сен сигир пешобидан уч
қарта томизсанг, қулоқ
Оғриғи даф бўлгай-у,
дарди кетар сендан йи-
роқ.



САФРОНИ ЙЎҚОТИШ ТАДБИРИ

Гар бинафша сувини шакарла ичса ҳар киши
Бўлмагай сафрою дарди бирла ҳеч бир ташвиши.



ТАШНАЛИК ВА ИСТМА ТАДБИРИ

Сен равочга майл этсанг, ташналик бўлгай узоқ,
Танда бўлса иситма этгай уни сендан йироқ.

КЎЗДАН СУВ ОҚИШИ ТАДБИРИ

Сурма қўйса ҳар киши-
ким кўзига лайлу наҳор,
Кўзидан ёш оқмагай ҳам
нури бўлгай беғубор.



ОҒИЗДАН СУВ ОҚИШИ ТАДБИРИ

Ҳар кишининг оғзидан суви оқиб дод айлагай,
Турпни туз бирла қўшиб есинки, озод айлагай.



КЎЗГА ОҚ ТУШИШИ ТАДБИРИ

Кўзга оқ тушса, э ўртоқ, кимга ҳам у наф этар,
Сен қуён ўтин қуриб, туй, кўзга сурка, даф этар.



ОҒИЗ КУЙИШИ ТАДБИРИ

Гар кишининг оғзи куйса, чорасин билмоқ керак,
Тезда кашнич суви бирла ғарғара қилмоқ керак.



ЮЗ ДОҒИ ТАДБИРИ

Турп уриғин майдалаб, сирка билан сурт юзингга,
Юз доғи кетгай, кўринмас қайтадан у кўзингга.



АЪЗО УЧИШИ ТАДБИРИ

Гар кишининг ҳар ери бе-
маҳал тез-тез учар,
У балиқ мойини суртса, учи-
ши дарҳол ўчар.



НАФАС СИҚИШИ ТАДБИРИ

Гар нафас сиқса кишида ўрнидан тургач наҳор,
Яхши ҳидли нарсаларни айласин ўзига ёр.



ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ ТАДБИРИ

Эчки ўтидан қулоғинг ичига оҳиста сур,
Оғриғи қолгай, ҳаловат бирла топгайсан ҳузур.



ПЕС ТАДБИРИ

Сен чаён пўстин олиб, сир-
ка билан суртсанг агар,
Билки, пес тандан кетиб, ҳам
заҳмати тезда тугар.



“МАЖМУАИ ҲИКОЁТ ВА ТИБ” китобидан

ВЫПОЛНЕНИЕ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЙ КОМПОНОВКИ САДОВОДЧЕСКОГО ТРАКТОРА

■ Адилбек АХМЕТОВ, д.т.н., профессор кафедры ТашГАУ, Шерзодбек АХМЕДОВ, инженер-конструктор, Азизбек АБДУРАЗЗАКОВ, инженер-конструктор, магистр ТашГАУ.

Аннотация. В статье приводятся результаты исследований по проверке компоновки садово-виноградникового трактора. Выбор и обоснование основных параметров, компоновочная схема садово-виноградникового трактора обеспечивается.

Ключевые слова: устойчивость, проходимость, передний мост, колесо, грузоподъемность, балласт, нагрузка, сила тяжести, шина, технология, садоводство, агрегат, садово-виноградниковый трактор.

В результате исследований, проводимых в СКБ «Трактор», разработана компоновочная схема садоводческого трактора, выполнены необходимые предварительные расчеты. Проверены компоновочные решения, сравнены изученные параметры с параметрами, принятыми к разработке.

Значимость данной работы заключается во внедрении в сельское хозяйство специализированного универсально-пропашного трактора, удовлетворяющего требованиям возделывания садов и виноградников, дающего возможность применения современных технологий и способов возделывания. Упомянутое достигается путем изменения конструкции некоторых элементов проектируемого трактора под особые требования, обеспечивающие выполнение специфических агротребований возделывания садов и виноградников.

При предварительной компоновке уделено внимание проходимости и вписываемости трактора в межствольные проходы между деревьями, учитывалась необходимость наличия защитных зон для деревьев.

Для проверки проходимости при окончательной компоновке вырисовывается абрис проходимости

трактора. Абрис – это часть контура поверхности трактора в проекции на вертикальную поперечную плоскость, которым машина вписывается между стволами деревьев.

Для вертикальной оценки проходимости используется понятие агротехнического просвета. Его показатели наносятся на графическое изображение по проверке абриса проходимости трактора.

Графика, изображающая проходимость трактора, показана на рисунке 1.

В качестве иллюстрации одной из работ, проводимых при выполнении компоновки, рассмотрим проходимость трактора при прохождении выступа или порогового препятствия. Согласно теории трактора, эти параметры равны:

Для трактора с колесной формулой 4К2 $h_{\max} = 0,3r$, для трактора с колесной формулой 4К4 $h_{\max} = 0,66r$, где r – радиус применяемой передней шины.

Подставляя значения в формулу, получим:

для 4К2 $h_{\max} = 0,3 \cdot 414 = 124$ мм при колесе 9-16
для 4К4 $h_{\max} = 0,66 \cdot 658 = 434,28$ мм при колесе 14,9R30.

Рассмотрим случай потери проходимости при упоре носовой части трактора в препятствие. Согласно теории трактора, выступающая часть трактора за ось переднего колеса не должна превышать 1,09 м.

Для нашего случая этот параметр 0,985 м, что обеспечивает проходимость трактора.

Рассмотрим случай потери проходимости вследствие касания днища трактора поверхности препятствия.

Согласно теории трактора, минимальный клиренс трактора h_D определяется по формуле:

$$h_D \leq 0,5 [(D + D_n) - \sqrt{(D + D_n)^2 - L^2}]$$

где D – диаметр заднего колеса трактора;

D_n – описываемый диаметр препятствия;

L – база трактора.

$$h_D \leq 0,5 [(1450 + 2230) - \sqrt{(1450 + 2230)^2 - 2560^2}] = 518 \text{ мм}$$

Клиренс должен быть не менее 460 мм.

Произведены различные варианты компоновок садоводческого трактора с различными колесами и различным клиренсом.

Принятые варианты компоновок трактора приведены на рисунке 2.

На основании выбранных параметров составлена предварительная компоновка трактора, где




Рис. 1. Изображение проходимости трактора.

отработаны расположения основных узлов и деталей проектируемого полноприводного специализированного садово-виноградникового трактора.

Для компоновки трактора выбрана классическая схема, где передние колеса относительно меньше чем задние.

При компоновке производится размещение узлов и агрегатов трактора с учетом требований стандартов и агрегатирования сельхозмашин.

Использование в аграрном секторе республики отечественного колесного садово-виноградникового трактора позволит существенно поднять производительность труда в этих отраслях за счет значительной замены ручного труда при наличии специализированного трактора. Прогнозируется увеличение годовой загрузки трактора за счет возросших его технологических возможностей, ожидается снижение затрат времени и материальных средств на техническое обслуживание и ремонт за счет повышения надежности элементов конструкции.

Реализация результатов проекта, в случае освоения на АО «ТЗСТ» серийного выпуска нового трактора с внедренными в его конструкцию прогрессивными техническими решениями, позволит выпускать машину высокого технического уровня с большой привлекательностью для потребителей, расширит экспортные возможности завода.




Рис.2. *Вариант компоновки трактора.*



Старая и очень правильная поговорка гласит: «Дорогу осилит идущий!» Это выражение в полной мере относится практически ко всем работникам, принимающим участие в становлении и деятельности ООО «Конструкторско-технологический центр сельскохозяйственного машиностроения». Эта организация, созданная менее года назад на основании постановления Президента Узбекистана и входящая в структуру АО «Узагротехсаноатхолдинг», активно и динамично развивается благодаря деятельности и усилиям всего коллектива.

Всего лишь за три квартала, прошедшие с момента выхода постановления о создании центра, проведена полная реконструкция огромного 4-этажного здания, предназначенного для проведения научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ (НИОКР), технологического проектирования и внедрения современных технологий, а также для изготовления и испытаний опытных образцов новых машин на базе собственного опытно-экспериментального производства.

Хорошо спланированные, светлые, оснащенные современной офисной мебелью, компьютерами и оргтехникoй помещения предназначены для работы конструкторов, технологов, маркетологов, экономистов и других специалистов по направлениям деятельности центра.

ПО НОВЕЙШИМ ТЕХНОЛОГИЯМ

О развитии и деятельности ООО «Конструкторско-технологический центр сельскохозяйственного машиностроения»



Группы молодых специалистов – конструкторов и технологов – уже активно работают над решением задач, направленных на развитие научно-технического потенциала в сфере сельскохозяйственного машиностроения. С помощью современных компьютерных программ разрабатываются и готовятся к внедрению в производство элементы нового отечественного трактора и ряда других машин, в том числе и не относящихся к сфере сельхозмашиностроения.

Поскольку ряд проектов по выпуску новых машин осуществляется с участием иностранных партнеров, специалисты центра принимают активное участие в разработке программ локализации, что будет способствовать в дальнейшем снижению себестоимости продукции и уменьшению зависимости от импорта.

